

# АДОЛАТ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 30 (940)

2013-yil, 26-iyul, juma



## Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 июль куні Оқсаройда АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Ллойд Остинни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларга, жумладан, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — АҚШ мулоқоти конструктивлик ва мунтазамлик касб этиб бораётганини, бу томонларни қизиқтирган барча соҳаларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш имконини бераётганини алоҳида қайд этди.

Сўхбат чоғида минтақавий муаммолар кўриб чиқилар экан, Афғонистондаги вазият-

ни тинч йўл билан барқарорлаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Генерал Л.Остин самимий қабул ҳамда икки томон учун долзарб бўлган масалаларни атрофлича муҳокама қилиш имконияти яратилгани учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этиб, АҚШ раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА

## Сиёсий модернизациялашув жараёни партиянинг барча даражадаги тузилмалари фаолиятини ривожлантиришни тақозо этмоқда

### Фракция ташаббуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси ҳамда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамкорлигида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда уларнинг қуйи палатадаги партия фракцияси билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари» мавзусидаги давра сўхбати бўлиб ўтди. Фракция аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари вакиллари, партиянинг вилоят Кенгашлари раислари, фаоллар ва экспертлар иштирок этган тадбир депутатлик гуруҳлари фаолиятини, уларнинг ҳудудий партия ташкилотлари ва БПТлар билан ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган таклиф ва ташаббусларга бойлиги, жонли ўтгани билан аҳамиятлидир.

Тадбирни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси раҳбари С.Турсунов кириш сўзи билан очди:

— Мамлакатимизда давлат бошқарувини демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Айниқса, бу борада «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш Концепциясининг амалда татбиқ этилаётгани эса, барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ривожини янги босқичга олиб чиқди.

Шунингдек, фракция раҳбари давра сўхбатидан кўзланган мақсад ва унинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, жамият ҳаётида юз бераётган демократик янгиланишларга таъсири тобора ошиб бораётгани, бу жараёнда, айниқса, партия депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва ўз ваколатларидан фойдалана билиши талаб этилаётганини таъкидлади.

Фракция аъзолари О.Ахунова ва К.Ҳамидова фуқароларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий

маданияти юксалиб бораётгани, шу сабабли жойларда ўтказилаётган учрашуларда оддий одамларни олдингидек кундалик саволлар эмас, балки қонунчиликни янада такомиллаштириш, депутатларнинг ўз ваколатидан фойдаланиши билан боғлиқ саволлар кўпроқ қизиқтираётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг узок йиллик тараққиётини белгилаб берган Концепция сиёсий партиялар ва депутатлик гуруҳларига кенг имконият ва ваколатларни яратиб берди. Амاليётда барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам улардан тўғри ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда.

2 ➤

## “Президентга мактублар” китоби тақдимо

“Маънавият” нашриёти томонидан “Президентга мактублар” китобининг учинчи жилди нашрдан чиқарилди.

Маълумки, мазкур китобнинг биринчи жилди 2006 йилда, иккинчи жилди 2009 йилда нашр этилган ва кенг жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотган эди.



2 ➤



## Илғор технологиялардан фойдаланувчи фермерлар рағбатлантирилади

### Қонун ижодкорлиги

Дунё аҳолиси шиддат билан кўпайиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётган бир шароитда аграр секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш барча давлатлар қатори Ўзбекистон учун ҳам долзарб масалага айланди.

3 ➤

### Ҳуқуқий эксперимент

## Фармойиш ижросига адлия ҳам масъул

2 ➤

## Муस्ताқиллик — бебаҳо неъмат, олий қадрият

### “Энг улуг, энг азиз” танловига

Йиллар ўтгани сайин қадрини ошиб, меҳримизни товлантираётган, озода ва обод юртимизнинг истиқболи ва тараққиётига бўлган масъулликнинг туб маъносини, мазмун-моҳиятини, ҳар биримизга берган улкан бахту саодатини янада чуқурроқ англаяпмиз. Ҳаммамиз учун бебаҳо неъмат, олий қадриятга айланган истиқлолнинг қалбларимиз тўридан мустаҳкам ўрин эгаллаганига ҳамиша чексиз шукроналар айлаяпмиз.



4 ➤



## “Агромир” да

## Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти

### Ифтихор

Самарқанд туманидаги “Агромир” қўшма корхонаси нафақат мамлакатимизда, балки хорижий давлатлар бозорига ҳам ўз харидорига эга бўлган, мева-сабзавотни замонавий технология асосида қайта ишлайдиган йирик саноат корхонаси ҳисобланади.

5 ➤

# Сиёсий модернизациялашув жараёни партиянинг барча даражадаги тузилмалари фаолиятини ривожлантиришни тақозо этмоқда

Давоми. Боши 1-бетда

Жумладан, жойларда партия депутатлик гуруҳларининг назорат-таҳлил фаолиятини сезиларли даражада кучайди. Улар томонидан маҳаллий кенгаш сессиялари кун тартибига олиб чиқилаётган партия электроти манфаатлари билан боғлиқ масалалар қамрови кенгайди. Бу борада ихро ҳокимияти органларининг ҳисоботларини эшитиш тизими равишда йўлга қўйилди. Буни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият олиб бораётган депутатларимиз томонидан ўтган йил давомида партия депутатлик гуруҳлари йиғилишларида мингдан ортиқ масала ўрганилгани, давлат ташкилотларига 560 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилгани ҳам тасдиқлайди. Муҳокамаларда сўзга чиққанлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдиришди.

**Наримон ШОДИЕВ,**  
халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши депутати:



— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ҳар бир депутатлик гуруҳлари аъзоларида ташаббускорлик, электрот манфаатлари учун фидойилик, партия ишига чин дилдан ёндашиш сингари хислатлар намоеён бўлиши даркор. Бу, ўз навбатида, депутатларнинг жойлардаги ижро ҳокимияти органлари қароралари

устидан назоратни амалга ошириш, сессияларда партия дастурий мақсадларидан, ижтимоий қатлами манфаатларидан келиб чиқиб, худудлардан айрим ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзасидан ҳокимликлар олдида аниқ тақлифлар ва масалаларни қўйишлари ва уларни ижобий ҳал этилишига эришишларида муҳим ўрин тутади.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Хоразм вилояти «Аёллар қаноти» Кенгаши раиси:



— Президентимиз илгари сурган Концепция юзасидан парламент палаталари қабул қилган қўшма қарор талаблари асосида «Адолат» СДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини тубдан кучайтириш, уларнинг ташаббускорлигини ошириш, партиянинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигини тизимли равишда йўлга қўйиш, маҳаллий Кенгашлар депутатларини амалдаги қонунлар, Президентимиз асарлари, фармонлари, қарорлари ҳамда партия ҳужжатлари, шунингдек, сиёсий иш кўникмалари мазмун-моҳияти билан узлуksиз таништириб бориш учун жойларда тизимли равишда ўқув-семинарларни мунтазам ташкил этиб бориш мақсада мувофиқ, «Адолат» СДП тизимида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг ахборотларини партия Марказий Кенгаши томонидан

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясида тинглаш амалиётини йўлга қўйиш лозим. Бу фракция депутатлари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Ўзининг дастурий вазифаси сифатида адолатчилик гоёси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиб келаётган «Адолат» СДП ҳам парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги ўз вакиллари орқали ҳамиятда амалга оширилаётган демократик ислохотларда фаол иштирок этишга интилиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда «Адолат» СДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 15 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида 500 нафарга яқин депутат фаолият кўрсатаётди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида партия депутатлик гуруҳлари фаоллигини янада кучайтириш, уларга зарур тавсия ва тақлифлар бериш борасида турли семинарлар ташкил этиб келинмоқда.

Мазкур саёй-ҳаракатлар натижасида депутатлар янада фаолроқ бўлиш, ташаббус кўрсатиш ҳамда депутатлик ваколатидан тўла-тўқис фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса партия аъзолари ва хайрихоҳлари сафининг ошиши, жамоатчилик орасида партия нуфузининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

**Топтулат МАТИБАЕВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Миробод тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:


— Айни пайтда «Адолат» СДПнинг худудий партия ташкилотлари таркибида 3300 тага яқин БПТ фаолият юритмоқда. Қарийб 80 минг нафар партия аъзоларини бирлаш-



тирган мазкур кўйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш, партия электроти билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, уларнинг маълумотлар базаларини шакллантириш ва янгилаб бориш, партия ташкилотли етакчилари ва фаоллари малакасини ошириш борасида вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ҳамкорлигида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аммо халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари ҳамкорлигини янада ривожлантирмасдан туриб электрот манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилиб бўлмайд.

Чунки кўйи бўғинлар электрот ичиде юради, шу боис уларнинг кундалик ташвишларини, муаммоларидан хабардор.

**Ғойибназар РАЙИМНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кенгаши депутати:



— «Адолат» СДП Марказий Кенгаши томонидан ўтган йиллар давомида худудий ва бош-

ланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш мақсадида «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» номинацияси бўйича кўриктанлов ўтказиб келинапти. Мазкур номинацияга энди «Энг намунали ҳамкор — халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳи ва БПТ» номинациясини ҳам қўйиш мақсада мувофиқ бўлади. Бу депутатлик гуруҳи билан кўйи ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтиришга хизмат қилади, албатта. Шунингдек, партия нуфузини оширишда халқ қилувчи омил ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда ишларни тизимли ташкил қилиш, бу муҳим вазифага туман, шаҳар, вилоят Кенгашлари депутатларини ҳам кенгроқ жалб этиш зарур. Жойлардаги депутатлик гуруҳлари ҳам бу масалага жиддий ёндашишлари лозим.

Тадбир давомида юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашдек улугвор вазифалар кун тартибиде турган бир пайтда сиёсий партиялар ва улардан сайланган барча даражадаги депутатларнинг ташаббускорлиги ва фидойилигисиз кўзланган мақсада эришиб бўлмаслиги, одамларни ўйлантираётган масалаларга бефарқлик навбатдаги сиёсий имтиҳонларда партияга наф келтирмаслиги таъкидланди. Фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қонун устуворлигига эришиш орқали адолатли ва эркин жамият барпо этишда партия депутатлик гуруҳлари ва БПТларнинг ўзаро узвий алоқадорлиги Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг устувор вазифаларидан бўлиши кераклиги эътироф этилди. Бу эса ўз навбатида партия электрот манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий омили демакд.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**  
«Adolat» муҳбири

## “Президентга мактублар” китоби тақдими

Давоми. Боши 1-бетда

Китобнинг янги — учинчи жилдидан мамлакатимиз ва чет эл фуқаролари, хорижий давлатлар етакчилари, атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндари томонидан давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов номига 2009-2013 йиллар давомида келган хатлардан намуналар ўрин олган.

Шу йил 25 июль кунини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ушбу китобнинг тақдими маросими бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан ташкил этилган мазкур йиғилишда таниқли олимлар, тарихчи ва фойласуфлар, маданият, адабиёт ва санъат намояндлари, ўқувчи ва талаба ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тақдими маросимида “Президентга мактублар” китобини учинчи жилди мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги катта воқеа экани таъкидланди. Ушбу тўпلامдан ўрин олган, турли касб ва ижтимоий тоифага мансуб юртдошларимиз томонидан йўлланган хатларда мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон манфаатлари учун амалга оширилаётгани ва уларнинг амалий натижалари ҳар бир оила, қишлоқ ва шаҳар ҳаётида яққол намоеён бўлаётгани аниқ мисоллар асосида акс эттирилгани, барча мактублар ўзи-

нинг самимий руҳи, Ўзбекистон раҳбарига юксак ишонч, хурмат-эҳтиром туйғулари билан алоҳида ажралиб туриши ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Тақдими маросимида Ўзбекистон Миллий университети профессори А.Расулов, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори, профессор А.Маврулов, шахмат бўйича халқаро гротсмейстер Н.Мўминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист С.Ашуров, Наманган шаҳридаги 25-мактаб ўқитувчиси М.Иззатуллаева, адабиётшуно олимлар З.Исомидинов, С.Аҳмедов, ёзувчи У.Ҳамдамов ва бошқалар сўзга чиқиб, “Президентга мактублар” китобининг учинчи нашири Ўзбекистон Президентининг гоё таъсирлиги ва самарали фаолияти ҳақида, мамлакатимиз эришаётган тарихий ютуқ ва марралар халқимиз ҳамда кенг халқаро ҳамжамият томонидан юксак эътироф этилаётгани ва қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида атрофлича маълумот бериши, бу борадаги тушунча ва тасавурларни кенгайтириши, ёш авлодни Ватанго мейр ва садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди.

ЎЗА

## Зафарободдаги фаол қўйи бўғин

БПТ — партия кучи

Мамлакатимизда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани бежиз эмас, албатта. Зеро, аҳоли саломатлиги мамлакат тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида жойларда замонавий шифо масканлари қод ростлаб, улар энг сўнгги, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлангани, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда ўз иштирокни янада кучайтиришни ўзининг дастурий вазифаси деб ҳисоблайдиган Ўзбекистон «Адолат» СДП электротининг асосий қисмини тиббиёт ходимлари ташкил этиши ҳамда партия бошланғич ташкилотларининг акарияти айнан тиббиёт муассасаларида жойлашганлиги тизимдаги янгилашни ва ютуқларда партия аъзоларининг ҳам ҳиссаси борлигидан далолатдир.

Бугун 210 нафардан ортиқ аъзоларни бирлаштирган Зафаробод туман партия кенгашининг бошланғич партия ташкилотлари орасида туман марказий касалхонаси қошидаги партия қўйи ташкилоти энг фаоллардан бири саналади.

Таъкидлаш жоизки, тумандаги ўнта ўзини ўзи бошқариш органларида 44100 нафар аҳоли истиқомат қилади. Аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда ташкилий-амалий тадбирларни олиб боришда туман марказий касалхонаси қошидаги партия бошланғич ташкилоти аъзоларининг фаоллиги эътиборга молик.

БПТ фаоллари «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси ҳамда туман партия кенгаши иш режаси асосида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўтган ярим йиллигида мазкур қўйи ташкилот томонидан ўтказиб келинаётган «Оилада соғлом турмуш тарзини яратиш — қомил инсонни шакллантиришнинг муҳим омили», «Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш — соғлом ва барқ-

арор оила гарови», «Соғлом она — соғлом бола», «Балогат ёшига етмасдан турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «Соғлом авлод — жамият таянчи» каби тадбирлар кенг жамоатчиликка, айниқса, ёшларга манзур бўлмоқда.

— Зиммамиздаги масъулият хамиша фаолликка ундайди, — дейди қўйи бўғин етакчиси Матлуба Қоратоева. — Фаолларимиз партия туман кенгаши билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Улар билан биргалликда маҳалла ва ташкилотларда «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида репродуктив саломатлик, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни назорат қилиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, беморлар дардидаги шифо топишда замонавий тиббиёт ускуналари ҳамда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган саломатлик посбонларимиз ҳар жаҳада фаоллик кўрсатишмоқда. Туман партия кенгаши томонидан бу кун намунали БПТларнинг иш тажрибалари ўрганилиб, кенг жорий этилаётганлиги эса мавжуд камчиликнинг бартараф этилишига замин ҳозирламоқда.

**Умида НИШОНОВА,**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши матбуот котиби

## Фармойиш ижросига адлия ҳам масъул

Давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ҳозирги даврда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий амалиёт томонидан талаб этилган 50 дан ортиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

Уларнинг қабул қилиниши очик фуқаролик жамиятини шакллантиришда Ўзбекистоннинг изчил, тадрижий ва барқарор ривожланишини, аҳолининг турмуш шароити янада яхшиланишини таъминлайди, мамлакатимизга жаҳоннинг ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш имконини беради.

Концепцияда фуқароларнинг ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалга оширишда ва қабул қилинаётган қарорларнинг сифати учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш учун қаратилган қонунчилик ҳужжати сифатида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш зарурлиги қайд этилган. Ушбу қонун фуқароларнинг ахборот соҳасидаги эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган демократик ҳуқуқий жамият қуриш концепциясининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг ҳуқуқий тартиб-қоидалари ва ме-

ханизмларини аниқ белгилашга, аҳоли, жамоат бирлашмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари давлат органлари томонидан қабул қилинаётган ахборотдан ва, энг аввало, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборотдан кенг фойдаланилишини таъминлашга қаратилган.

Шу маънода қонун лойиҳаси нормаларини амалда пухта ишлаш, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш соҳасидаги вазифаларни амалга ошириш бўйича давлат органлари иши тўғрисида аҳоли хабардорлигида оммавий ахборот воситалари, нодавлат но-тижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари роли ва аҳамиятини кучайтириш мақсадида 2013 йил 20 мартда Президентимиз томонидан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси нормаларини апробациядан ўтказиш бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳуқуқий таъминлаш мақсадида, вилоятдаги ҳуқуқий таъминот

қил этишга йўналтирилган Фармойиш бу жараёни бутунлай янги бошқича кўтаришга хизмат қилаяпти.

Давлат органлари фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида улар қабул қилган қарорлар, дастурлар ҳақида ахборот олиш юзасидан жисмоний ва юридик шахсларни хабардор қилиш мақсадида Самарқанд вилоятида кўплаб учрашувлар ташкил этилди. Шу билан бирга ўзаро тезкор ахборот алмашишни таъминлайдиган махсус Интернет-ресурс, хусусан, вилоятимиздаги 90 дан зиёд давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳуқуқий таъминотни ўтказиш учун лозим бўлган ташкилий-техник шароитлар яратилди. Шу ўринда ҳуқуқий таъминот фаоллигини оширишга ва ҳуқуқий билимларини бойитишга хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз. Вилоятимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ёзма ва оғзаки муносабатлар сони сезиларли даражада кўпайгани бунинг исботидир. Хусусан, жорий йилнинг иккинчи чорагида эксперимент субъектларига келиб тушган муносабатлар сони 1500 тадан ошди. Бу биринчи чоракка нисбатан икки баробар кўп демакдир.

Самарқанд вилояти ҳуқуқий таъминот субъектлари билан бир қаторда вилоят адлия бошқармаси ҳам мазкур жараёнда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини янада таъминлаш мақсадида, вилоятдаги ҳуқуқий таъминот

субъектларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган ахборот ва маълумотлар архив бошқармаси ҳамда вилоят ҳокимлиги кутубхона марказига тақдим этилди. Мазкур ишларни амалга оширишда вилоят худудидеги эксперимент субъектлари масофадан турган ҳолда интернет орқали ишловчи электрон дастурдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди.

Маълумки, Юртбошимизнинг 2011 йил 23 августдаги қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида”ги низомга кўра, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онини, ҳуқуқий маданиятини оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини самарали мувофиқлаштиришнинг амалга ошириш адлия вазирлигининг асосий функцияларидан бири этиб белгиланган.

Фармойишга кўра, эксперимент субъектлари томонидан ташкил этиладиган тадбирлар (матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар ва бошқалар) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминловчи омилларидан бири ҳисобланади.

Адлия бошқармасининг жорий йил I-чорагида амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишлаб 8 май кунини ўтказилган очик Ҳайбат йиғилишида бошқарма иш фаолияти билан муфассалроқ танишиш исотида бўлган вилоятдаги бир қанча юридик ҳамда жисмоний

шахслар иштирок этди. Яқин кунларда ўтказилиши кўзда тутилаётган навбатдаги ҳайбат йиғилишига қатнашиш хоҳишини билдирган юридик ва жисмоний шахслардан талабномалар қабул қилинмоқда.

Бундан ташқари, бошқарма веб-сайти, фуқароларни қабул қилиш хонаси, ахборот хизмати функциялари Фармойишнинг деярли барча талабларига мос тарзда шакллантирилди.

Шунингдек, адлия бошқармаси ташаббуси билан вилоятдаги ҳуқуқий таъминотнинг субъектлари иштирокида давлат сўхбатлари, ўқув-семинарлар мунтазам тарзда ўтказиб келинмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳуқуқий таъминот давлат бошқаруви органлари очиклигини таъминлаш, ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш, қонунчилигимизни янада такомиллаштириш гаровидир.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, амалга оширилаётган ҳуқуқий таъминотнинг ҳуқуқий механизми амалга ошириш тегишли технологик инфратузилма мавжуд бўлишини талаб этади. Бу жараёнда мамлакат Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган «электрон ҳуқуқ» концепциясининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

**Диямурод САЪДУЛЛАЕВ,**  
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

# Изчил ҳамкорлик

## доимий комиссиялар ва депутатлар фаолиятида кўзга ташланмоқда

### Семинар

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги устувор йўналишларда илгари сурилган вазифалар давлат бошқаруви соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштиришда, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришда, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари ишини фаоллаштиришда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари, доимий комиссиялари мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, Давлат ва ҳудудий дастурларнинг жойлардаги ижросини жамоатчилик назоратига олиш, ҳақиқат манфаатларини муҳофаза этиш, ҳудудларга хос бўлган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал қилинишига кўмаклашишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси, халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ҳамкорлигида «Худуднинг энг муҳим ижтимоий-маданий ҳамда ёшларга ва соғлом авлоднинг тарбиялашга оид масалаларни ҳал этишда доимий комиссиялар ва депутатларнинг роли»га бағишлаб семинар-тренинг ўтказилди. Семинарда «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилишида депутатлар ва сайловчиларнинг ҳамкорлигидаги фаолияти изчил давом этиб, ижобий са-

мара бераётгани таъкидланди.

Доимий комиссиялар фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қатор қонунлари, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган қарорлар, тавсиялар ва кўрсатмалар асосида ташкил қилинмоқда. Улар ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вилоят ҳокими қарори ижросининг мутасадди ташкилотлар ва муассасалар томонидан таъминлаш бўйича олиб борилаётган амалий ишларни назорат қилиб чиқмоқдалар, ўз навбатида масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини тинглаб боришмоқда. Бугун ўрганишлар шуни кўрсатаётки, доимий комиссияларда вилоятимиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларига оид масалалар мунтазам кўриб чиқилапти. Масалан, вилоят Кенгашининг ижтимоий-иқтисодий масалалари бўйича доимий комиссиясида ўтган даврда 26 та масала муҳокама этилган.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Хоразм вилояти ҳудудий бўлин-



маси раҳбари И.Абдуллаев ҳудуднинг энг муҳим ижтимоий-маданий ҳамда ёшларга ва соғлом авлоднинг тарбиялашга оид масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги масалалари ва бу йўналишдаги кенг қамровли фаолиятга эътиборни қаратди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг нодавлат но-тижорат ташкилотлари билан амалий ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш, доимий комиссиялар йиғилишларидаги ёшлар йўналишидаги ННТлар вакилларини жалб қилиш, уларнинг тавсия, таклифларини инобатга олиш, ёшларнинг гўзал фа-зилатлар эгаси бўлиб вояга етишини таъминлайдиган маънавий-маърифий тадбирларни ҳамкорликда ташкил этиш му-ҳимлигини таъкидлади.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Янгиариқ тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари Янгиариқ ту-

ман кенгаши депутати Барногул Сафоёва ушбу семинар-тренинг фаолиятини қайд этиб ўтди: «Семинар-тренинг доимий комиссиялар, депутатларнинг иш услубини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар, маслаҳатлар олдиқ. Улардан кундалик амалиётда фойдаланамиз. Ойимжон Исмоилова ҳам Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси асоси, халқ депутатлари Янгиариқ тумани кенгаши депутати, Янгиариқ қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнаар коллежида ўқитувчи бўлиб ишлайди.

— Сайловчилар билан учрашувларда дилдан мулоқотлар давом этади. Улар бунёдкорликлардан мамнунлик билан сўзлайдилар. Шунингдек, муаммоларни ҳам олдимизга аниқ қўйишди, — дейди О.Исмоилова. — Масалан, Остона қишлоғидаги ички йўлларнинг аҳоли таъмирталаб эди. Сай-

ловчилар уларни таъмирлаш, асфальт ётқириш зарурлигини қайд этишди. Мен сайловчиларимнинг бу таклифларини инобатга олиб, депутатлик сўрови билан туман ҳокимлигига мурожаат қилган эдим. Айна пайта ободонлаштириш доирасида йўлларни таъмирлаш ишлари олиб борилапти. Эндиликда 4-мактабга бориладиган йўлни ҳам асфальт қилиш ишлари бошланди.

Семинар қатнашчилари халқ депутатлари Янгиариқ туман кенгаши доимий комиссияларининг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Унинг доирасида сайловчилар қабулини ташкил этиш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича тадбирлар уюштирилди.

С.РАҲИМБЕРТАНОВА, Хоразм вилояти, Соҳиба ҒАЙИПОВА олган сурат.

### Сўз бердингми — бажар!

Даставвал шуни таъкидлаш лозимки, «Адолат» СДПнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнда партиясининг ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда ўз фаолиятларини такомиллаштиришга, фуқароларнинг мурожаатлари билан боғлиқ ҳар битта сабаб, муносабатларни чуқур ўрганишга ва зарур ечимлар топишга астойдил интиломоқдалар.

## Депутатнинг обрўйи изланувчанликда

Ваколатга нисбатан шундай масъулиятли ёндашувни халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгашидаги «Адолат» СДПнинг депутатлик гуруҳи фаолияти ми-солида ҳам кўриш мумкин. Шаҳар ҳудудидаги саннат корхоналарини модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнатга ҳақ тўлашда ижтимоий адолат мезонларига амал қилишдан тортиб экологик муаммоларни ҳал этиш, жамоат транс-порти, коммунал хизматларни такомиллаштиришга бўлган кенг қамровли масалалар депутатлик гуруҳининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқ-да.

26-Темирийўлчи сайлов округидан шаҳар Кенгаши депутати Дилафрўз Ризаева маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг ҳуқуқ-имкониятларидан самарали фойдаланиб, ўз сайловчиларининг ижтимоий муаммоларини дадил ҳал этишга ҳаракат қилиб келмоқда.

— Сайловчиларнинг мурожаатларини ўрганиш ва таҳлил этиш натижасида йил бошидан буён шаҳардаги бошқарув идоралари раҳбарларига 11 та депутатлик сўрови киритганман, — дейди партияимиз вакили Дилафрўз Ризаева. — Шу асосда бошқарув бўғинидаги масъул кишилар эътиборини қонунлар ижросини таъминлашга, аҳолининг ижтимоий-маиший муаммоларини ўз вақтида ҳал этишга қаратганман.

Дарвоқе, депутат ўз сайлов округидаги одамлар билан мунтазам учрашувлар, мулоқотлар ўтказиб туради. Ана шундай мулоқотларнинг бирида шаҳардаги 1-Янгиоровот маҳалласидаги юзга яқин хонадонда телефон алоқаси ишдан чиққанлиги, соҳа мутахассислари эса носозликни бартараф этишга қўнғ-ҳаф-сала топиша олмаётганидан хабардор бўлди. Дилафрўз Ризаеванинг бу ҳақдаги муаммони ҳал этиш бўйича депутатлик сўрови Алоқа, ахборотлаштириш ва коммуникация масалалари бўйича шўба корхонасининг иш столига келиб тушгач, ижро назорати ва қонунда белгиланган таъсир чоралари дарҳол ўз натижасини берди.

Дарвоқе, 26-Темирийўлчи сайлов округида ўн минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Депутат уларнинг кундалик турмуш, мақсад-интилишларидан хабар топишга, ободончилик, бунёдкорлик борасидаги савий-ҳаракатларини бирлаштиришга, жамиятдаги янгилишни жараён-ларига нисбатан фаол фуқаролик позицияси шакллантиришга астойдил интилиб келмоқда. Шу боис депутатнинг шаҳар Кенгашидаги қабулхонаси сай-



ловчилар билан гавжум. Дилафрўз Ризаева улар билан маслаҳатлашишдан, ўз фаолияти учун янги режалар тузиб олишдан қарчмайди. Унинг жамоат трансporti ишини яхши-лаш, автобусларнинг шаҳар йўналишида аниқ жадвал асо-сида қатновини таъминлаш бўйича Самарқанддаги 2514-ав-тосарой директори Заби Мур-тазаевага депутатлик мурожаати-дан сўнг йўловчиларга хизмат кўрсатишдаги аҳвол яхшиланган-ни эътиборга молиқдир. Ҳозир шаҳардаги йўловчилар кўп бўлган ўнга яқин йўналишдаги транспорт қатнови алоҳида на-зоратга олинган.

Депутат Дилафрўз Ризаева шаҳар Кенгаши маҳаллий бюд-жетни шакллантириш, ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркор-ликни қўллаб-қувватлаш доимий комиссияси аъзоси сифатида долзарб масалаларни кун тар-тибига олиб чиқмоқда. Яқинда доимий комиссияда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбарининг ҳисоботи эшитилган ва янги, кафолатли иш ўринлари яратиш бўйича қатъ-ий режалар тузиб олинган деп-утатлик ваколатининг таъсир-чанлигидан далолатдир. Ҳозир шу асосда шаҳар атрофидаги юзга яқин кичик корхоналар ва микрофирмалар иш берувчи-ларнинг шартномавий мажбури-ятларига амал қилишлари қай-тадан кўриб чиқилмоқда.

Зоҳир Тўрақулов, «Адолат» мухбири

## Карманада «адолат»чи аёллар сафи кенгаймоқда

### «Адолат»нинг адолатли аёллари

Навоий вилояти Халқ таълими бошқармасига қараш-ли ахборот-ресурс марказида асосан хотин-қизлар меҳнат қилишди. Кўнг кеча мазкур зиё масконида Ўзбекистон «Адолат» СДП вилоят Кенгаши «Аёллар қоноти» ҳамда партия Кармана туман кенгаши ҳам-корлигида «Хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш» мавзусида тадбир ташкил этилди.

Унда партия вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари, «Аёллар қаноти» етакчиси Сурайё Мансуро-ва сўзга чиқиб, тўлланганлар эътиборини мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, кел-ажани кўп жиҳатдан аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, мактеби ва фаолиятига боғлиқ эканлигига қаратди. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий савод-хонлигини ошириш билан бево-сита алоқадорлиги ҳамда Ўзбеки-стон «Адолат» социал-демократик партиясининг ҳаракат дастурида ҳам ўз ифодасини топанлигини таъкидлади. Тадбир иштирокчи-ларини партия вилоят Кенгаши ҳамда унинг туман ва шаҳар таш-

килотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июнда қабул қилин-ган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йил-лик байрамга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қаро-ри асосида амалга оширилаётган оммавий-сиёсий тадбирлар билан таништирди.

Шундан сўнг партия фаоллари иштирокчиларни қизиқтирган са-волларга атрофида жавоб қайта-ришди. Тадбир натижасида карма-налик 40 нафар фаол хотин-қиз-лар партия аъзоллигига қабул қи-лди.

Олим Хўжаев

# Илғор технологиялардан фойдаланувчи фермерлар рағбатлантирилади

### Давоми. Боши 1-бетда

Гарчи мамлакатимизда мазкур соҳага алоҳида эътибор қаратиб келинаётган, соҳани изчил қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган бўлса-да, Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўз-бекистонда фермерлик фао-лиятини ташкил қилишни яна-да такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги Фармони ислохотларнинг янги босқичи-да қишлоқ мулкдорлари фао-лиятини такомиллаштиришга қаратилган яна бир ниҳоятда муҳим ҳужжат бўлди. Ана шу Фармон асосида Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг таш-кил этилгани, унга соҳанинг муваффақиятлари-ю ҳаётий муаммоларидан хабардор бўл-ган фермерларнинг раҳбар этиб сайлангани фикримизнинг ёр-қин исботидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон-да 66 минг 134 та фермер хў-жалиги фаолият олиб бормоқ-да. Улар томонидан жами қиш-лоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи етиштирилаётгани эса, айниқса, таҳсинга лойиқ. Чунки, 1990 йилда мамлака-тимизга аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган галларнинг 82 фо-изи, гўшт ва гўшт маҳсу-лотларининг 50 фоиздан кўп-роғи, сут ва сут маҳсулотла-рининг 60 фоизи, картошка-нинг эса 50 фоизи четдан кел-тирилган бўлса, бугунги кунга келиб Ўзбекистон ана шундай маҳсулотларни экспорт қилув-чи давлатга айланди.

Шу ўринда алоҳида таъкид-

лаш жоизки, 2013 йилнинг би-ринчи ярмида мамлакатимиз-да қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари етиштириш ҳажмининг ўсиши 7,3 фоизни ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чи-қаришини техник янгилаш жа-раёнларини янада жаддалаш-тириш, унинг тармоқларига за-монавий технологияларни жо-рий этиш, ерларнинг мелио-ратив ҳолатини яхшилаш, деҳ-қон ва фермерлар фаолияти-ни ҳар томонлама қўллаб-қув-ватлаш бўйича қўрилаётган из-чил чора-тадбирлар тўғриси-да барча экинлар, хусусан, га-лладан рекорд даражада, яъни юртимиз тарихида биринчи мартаба 7 миллион 610 минг тонналик галла ҳосили олин-гани бу борада муҳим омил бўлди.

Ҳар бир соҳа ривожини унинг қанчалик ҳуқуқий мустаҳкам-лангани билан боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда барча соҳаларда замон талаби бил-лан қонунчилик такомиллаш-тирилиб келинмоқдаки, бу ти-зимлар ривожини учун янада қулай шарт-шароитлар ярат-моқда.

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида му-ҳокама қилинаётган «Фермер-лик фаолиятини ташкил этиш янада такомиллаштирилиши ва фермерлик ривожлантири-лиши муносабати билан Ўзбе-кистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига ўз-гартиш ва қўшимчалар кири-тиш тўғрисида»ги қонун ло-йиҳаси сўзимизнинг исботи-дир.

Мазкур қонун лойиҳаси



Алишер АКРАМОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Юртбошимизнинг юқорида номи келтирилган Фармони-га мувофиқ ишлаб чиқилди. Шунингдек, ушбу Фармон билан тасдиқланган Фермер хўжа-ликларининг иқтисодий муста-қиллиги ва молиявий барқар-орлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган фермерликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада тако-миллаштиришга оид чора-тад-бирлар Дастурининг 5-ва 6-бандларига мувофиқ «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун-га ўзгартиш ва қўшимчалар ки-ритилмоқда.

Агар қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, у фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллигини ва молиявий барқарорлигини ошириш, фер-мерларнинг ер-сув ресурслари-дан оқилона фойдаланиш,

замонавий технологияларни жорий этишни рағбатланти-риш, энергиянинг муқобил тур-ларидан фойдаланишни кен-гайтиришга қулай замин яра-тиш имконини бериши, келгу-сида томчилик сўғориш тех-нологиясидан фойдаланадиган юридик шахслар мазкур тех-нология жорий қилинган май-дондан олиннадиган ягона ер солиғидан беш йил муддатга озод қилиниши кўзда тутил-ганлиги унинг қанчалик дол-зарб аҳамиятга эга эканлигини билдиради. Қонун лойиҳа-сининг қабул қилиниши Ўзбе-кистон «Адолат» СДП илгари суриб келаётган янги инно-вацион сўғориш технологияларининг кенг жорий этилишини рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди.

Шу боис, Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган маз-кур қонун лойиҳаси фракция-миз томонидан алоҳида қизи-қиш билан ўрганилмоқда, унинг муҳокамаларида фаол-лик билан иштирок этилмоқ-да. Қолаверса, қишлоқ хўжа-лигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг устувор вазифалари-дан ҳисобланади. Шу нуктаи назардан мазкур қонун лойи-ҳаси партия мақсад ва вазифа-ларига тўла мос келади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси-да назарда тутилган кўп тар-моқли фермер хўжаликларини

ривожлантириш учун қўшимча шароитларни яратиш мақса-дида «Фермер хўжалиги тўғ-рисида»ги қонуннинг 22-мод-дасига фермерларнинг қиш-лоқ хўжалиги ишлаб чиқари-ши билан биргаликда қонун-чиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғул-ланиш ҳуқуқларини янада аниқ-лаштирувчи ўзгартиш ва қў-шимчалар киритилаётгани, де-ҳқонлар даромадини янада оширишга, қўшимча янги иш ўринлари яратилиб, оилалар фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Бундан ташқари, фермер хўжаликлари томонидан товар-ларни ишлаб чиқариш, хизмат-лар кўрсатиш ва ишларни ба-жаришда ривож этилиши талаб этилаётган нормативлар ва стандартлар талаблари рўйха-ти кенгайтирилгани, фермер хўжаликларида кўп тармоқли фаолиятни йўлга қўйишни рағ-батлантириш, жумладан, бу-нинг учун солиқ имтиёзлари-ни бериш, пахта-йиғим тери-мига вақтинчалик жалб қилин-ган жисмоний шахсларнинг шу ишларни бажаришдан олинган даромадларини даромад со-лиқларидан озод қилиш ва бошқа бир қатор шу каби так-лиф қилинаётган ўзгартириш-лар ҳам диққатга сазовордир.

Мухтасар айтганда, қонун лойиҳасининг «абул қилиниши аграр соҳада етакчи кучга ай-ланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишига, пировардида, бу борада бош-ланган эзгу мақсадларни яна-да юксалтиришга мустаҳкам замин яратади.

Партия ҳаёти

# Мустақиллик — бебаҳо неъмат, олий қадрият

Давоми. Боши 1-бетда

Ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда эришилган оламшумул ютуқлар, қўлга киритилган муваффақиятлар табиийки, яхши ният билан қилинган катта меҳнат ва саъй-ҳаракатларнинг гулдastasидир.

Мустақиллик шарофати билан гўзал ва бетакрор диёримиз таниб бўлмас даражада чирой очди. Мамлакатимиз салоҳияти юксалди. Бугунги кунда қайси соҳани олманг, уларда кечаётган янгиликлар жараёнида кишини асло бефарқ қолдирмайди. Туб ўзгаришларнинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турган шаҳару қишлоқларимиздаги файзу тароват кечаги ўтмишимиз билан ҳозирги кунимизни қийслаганга, етарли хулосалар чиқаришимизга кифоя қилади. Ахир ҳурлар ичра ҳур, тенглар ичра тенг бўлиб дунёга танилган Ўзбекистон тарихан қисқа фурсат ичида ҳеч кимдан кам бўлмаган давлатга айланди. Ўзининг буюк келажига мустаҳкам пойдевор қўйди.

Алқомат бир йилнинг бўй-бастидек виқор билан савлат тўқиб турган она-Ватанимизга бугун кимларнинг ҳаваси келмапти, дейсиз. Эркин ва обод диёримизнинг бу қадар раванг топиб, тараққий этишида ҳам аслида катта ҳикмат, теран маъно бор. Биз ҳасад эмас, ҳавас қилиб яшашига ўрганган халқимиз. Ниятларимиз пок, мақсадларимиз улғу, қўзлаган марраларимиз юксак. Ҳамма ишларга қодир бўндор халқимиз истиқлолимиз билан қадам-бақаддам мўъжизалар яратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартариш борасида амалга оширилган улкан ишлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий кўринишга эга бўлмоқда. Буни Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Қўқон, Марғилон, Термиз, Қарши, Урганч каби қўллаб шаҳарларимизнинг бугунги жамоли ва таровати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, шаҳарларни ҳар томонлама ривожлантириш, саноатнинг турли тармоқларини тараққий эттириш орқали одамларнинг ҳаёт сифатини ошириш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан юртдошларимизнинг кайфиятини, гурурини янада юксалтириш устувор вазифа бўлиб қолапти. Бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва раван йўللар, боғу хийбоналар юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгариб, аҳоли фаровонлигининг, оғи



ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилмоқда. Дунёнинг қўллаб мамлакатларида молиявий-иқтисодий инкироз давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8,2 фоизни ташкил этмоқда. Бундай барқарор ривожланишнинг асосий омилли мустақилликнинг биринчи кунларидан «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган қонидани асос қилиб олганимиз, юртимизнинг юксак иқтисодий-ижтимоий салоҳиятидан оқилона фойдаланаётганимиз, ўзимиз белгилаб олган тараққий йўли — ўзбек моделини тадрижий амалга ошираётганимиздир.

Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларни матонат билан енгиб ўтди. Мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз ташаббуси билан аҳолига томорқа учун ерлар ажратилгани, Ўзбекистон бўйича 700 минг гектар суғориладиган ер томорқа сифатида берилгани қишлоқларимиздаги қўллаб ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Истиқлол кўз ўнгимизда улғайди, куч-қудратга тўлди. У билан қадам-бақаддам бирга бўлди, қувончларини баҳам кўрдик. Халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустаҳкам иродаси, қатъият ва матонати, янги ҳаёт гоёларига садоқатини намойиш этиб, жаҳон майдонидан муносиб ҳурмат-эътибор қозонди. Юртимиз тараққий этиб, ривож топди. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган элдангина шундай ўзгариш, юксалиш, файз-барака бўлади.

Қалби каби тоза, беғубор халқнинг осмонидан оқ парк булутлар сузиб юради. Қўшлар эркин қанот қоқди. Яратувчан ва бунёдкор халқ эса асрларга таътигулик улғу ишларни амалга оширади.

Мамлакатимиз қудратини, эришган ютуқларини хис қилиш учун яқин ўтмишга бир бора назар солишнинг ўзи кифоя. Муштабид тузумнинг айёрони сиёсати боис Ўзбекистон кўп йиллар ривожланишдан орқада қолди. Ўзида қўллаб имкониятлар бўлишига қарамай собиқ иттифоққа фақатгина пахта хомашёси етказиб бериб кун кўрди. Уни на дунё таниди, на эл билди. Ҳозир эса бошқача: Ўзбекистоннинг номи дунё бўйлаб ўзгача жарангламоқда. Уни билмаган юрт, эшитмаган эл йўқ, десак, асло муболага бўлмайди. Ўзининг моҳир ва энгилмас спортчилари, фидойи меҳнатчилари, илм-фан соҳаси вакиллари, бир-биридан қолишмайдиган ўткир салоҳиятли, изланувчан ёшлари билан оламга танилган мамлакатимизнинг бугунги истиқболи ҳаммамизни қувонтиради.

Катта авлод яхши эслайди: яқин ўтмишда кўп нарсалар четдан олиб келинган. Ўзимизда уларни ишлаб чиқариш имконияти бўлатуриб, бунга йўл берилмаган. Истиқлол боис юртимизнинг чексиз имкониятлари юзага чиқди. Асакада ишга туширилган автомобиль заводининг замонавий энгил автотранспортлари, қатъият ва матонати, янги ҳаёт гоёларига садоқатини намойиш этиб, жаҳон майдонидан муносиб ҳурмат-эътибор қозонди. Юртимиз тараққий этиб, ривож топди. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган элдангина шундай ўзгариш, юксалиш, файз-барака бўлади.

мини-линияларда ишлаб чиқарилаётган минглаб турдаги экспортбо маҳсулотларнинг ҳам бозори кун сайин чаққон бўлиб борапти. Уларга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёрлик ярашиб турибди.

Бугун ҳалол меҳнат қилган одам барака топяпти. Ўзбекистоннинг энг олди машиналарини миниб, умргузаронлик қилмоқда. Уларни кўриб, ёши улғу отахонларнинг ҳавас билан айтган қуйидаги гаплари ёдимизга тушади:

— Машина олиш у ёқда турсин, хатто меҳнат қилиб, роҳатини кўролмасдик, болам. Бу ишга жазм этганларнинг эса уйига текширувчи бориб, шўрини қуритарди. Унча-мунча одам машина минишга журъат қилолмасди. Ҳозирги ёшларга ҳавасимиз келади. Уларнинг кўчилиги бир эмас, икки-учтадан автотомобилни ҳайдаб юрибди. Ишляпти, топяпти, орзу-ҳавасига етляпти. Замоннинг гилдираги айланб, қани эди бизлар ҳам улар каби ёш бўлиб қолсак, юртимизнинг бугунги шукўҳли кунларига хизмат қилсак, — дейди балкичилик нуроний Аҳмад ота.

Нуронийларнинг айтганича бор: Ўзбекистон машиналари халқимизга фаровонлик олиб келди. Аҳолининг узогини яқин, йўлини раван қилди. Йўловчи ташиш сифати яхшиланди. Ҳозир бирор жойга бориш истагида сафарга чиққан одам йўлда қолиб кетмайди. Кечасини, кундузини қийналмасдан қўзлаган манзилга етиб олади. Асакада барпо этилган автотомобил заводидан чиқётган энгил машиналар бизга шундай имкониятни берди. Ер юзидан ҳозир санокли мамлакат энгил автомобилли ишлаб чиқарида. Уларнинг орасидан мустаҳкам

жой олган Ўзбекистон мана 17 йилдирки, автомобилсозликнинг ривожига муносиб улғу қўшиб келмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган янги маркадаги барча энгил автомобиллар ўзининг ҳар томонлама қулайлиги, дизайннинг сочилиги ва оммабоплиги билан талабчан харидорларга манзур бўлмоқда. Ички ва ташқи бозорда қўлма-қўл бўлиб кетмоқда. Диёримизнинг кенг ва раван йўлларидан елдек олиб, ҳамюртларимизга хизмат қилапти. Корхона конвейеридан яқинда икки миллионинчи энгил машина чиқди. Бу янгилик шубҳасиз, юртимизнинг энг улғу, энг азиз байрамига муносиб совға бўлди.

«Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон» дея бугун қалбларимиз бежиз қувончга тўлаётгани йўқ. Мустақиллик туфайли биз, аввало, эркин бўлдик. Ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни танидик. Қадр-қимматимиз, ор-номусимиз, гуруримизни англадик. Истиқлол юртимизда яшаётган миллилати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлади. Уларда истиқлол гоёларига садоқатни кучайтирди.

Жонажон диёримизда ҳар кун бир-бирдан қолишмайди, юртимизнинг салоҳияти, обрў-эътиборини оширадиган янгиликлар рўй бериб турибди. Яқинда олти ёшли ҳамюртимиз Исломбек Синдоров Эроннинг Сари шахрида шохмат бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, 21 та учрашувнинг 20 тасида голиб чиқди, уч карра Осиё чемпиони бўлди. Бундай янгиликлар кимни қувонтирмайди, ҳаяжонга солмайди, дейсиз?

Кеча экилган ниҳоллар бугун куч-қудратга тўлиб ҳосил бермоқда. Мевадди боғлар кўзни қамаштиряпти. Олтин бошоқлардан уюлган хирмонлар элризики бутунлигини кўз-кўз қилмоқда. Яшил пайкалларда гўзалар баравж ривожланыпти. Турроги олтин юртимизнинг ҳар бир қаричи, ҳар бир гўшаси ўзининг файзу таровати билан кўзларимизни яшнатапти. Истиқлол шури қалбларимизни обод, дилларимизни чароғон этмоқда. Уларни кўриб, завқланди, диллимиздаги сўзлар тилимизга кўчяпти:


Мустақиллик абадий бўлсин! Юртимиз қудрати бундан-да ошсин. Истиқлолимиз шарофати билан эришган бахтли-саодатли кунларимизга асло кўз тегмасин. Ҳар кимнинг қалбида аҳоли ниятлари амалга ошин. Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамаша мусаффо бўлсин!

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,  
«Adolat» мухбири

## Давра сўхбати

Айтишларича, бир пайтлар Англия қироличаси Буюк Ипак йўли устида жойлашган Қайнар қишлоғидан борган киши майизларини севиб тановул қилган экан.

# Аграр сектор ривожини — фаровонлик омили



Дарҳақиқат, Китоб туманидаги бу қишлоқ одамлари боғдорчилик, сабзавотчиликда ўзига хос тажрибага эга. Уларнинг асосий даромади ҳам қишлоқ хўжалигининг шу тармоқларидан олинади. Айниқса, истиқлол йилларида республикамиз аграр соҳасини ислохот қилиш ва жадал ривожлантириш борасида 17 та қонун ҳамда 110 дан ортиқ қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган эса тармоқдаги мавжуд муаммоларни босқичма-босқич ҳал этишда катта туртки бўлмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан Қайнар қишлоқ фуқаролар йиғинида ушатирилган давра сўхбати ҳам «Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштиришнинг янги босқичида Ўзбекистон «Адолат» СДП фаолиятини такомиллаштириш» масалаларига бағишланди. Унда маҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар, фермерлар, тумандаги 38 та маҳалла фуқаролар йиғинлари аъзолари ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Давра сўхбатида вилоят партия Кенгаши раиси Абдукаҳҳор Аҳмедов «Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бозор модернизацияси ва қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришда Ўзбекистон «Адолат» СДП ташкилотлари иштироки» мавзусида маъруза қилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, аграр ва сув хўжалиги

соҳаларини янада тараққий эттиришга доир долзарб вазифаларни ҳал этиш борасидаги ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашда муҳим ҳужжатдир, — деди А.Аҳмедов. — Албатта, ҳар бир партиядошимиз аграр соҳадаги ислохотлар натижасини аҳолига тарғиб қилишда фаол иштирок этиши зарур.

Кун тартибидидаги долзарб масала юзасидан сўзга чиққан партиянинг Китоб тумани кенгаши раиси Шавкат Раҳмонов, маҳаллий Кенгаш депутати Ҳаким Олимов, фуқаролар йиғини раиси Баҳодир Шойимов, фермер партиядошимиз Сурхон Раҳмонов ва бошқалар туманда 2011-2015 йилларда 644 гектар янги боғ-роғлар ташкил этиш ҳисобига узум ишлаб чиқариш 27572 тоннага, мева етиштириш эса 7734 тоннага кўпайишини алоҳида таъкидлаб, ўнлаб янги иш ўринлари яратилишини ҳам қайд этдилар.

Анжуманда партиядошларимиз «Ўзбекистон Республикасининг аграр қонунийлиги» тўғрисидаги ва «Адолат» СДПнинг сайловотида дастурида илгари сурилган қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, соҳада хизмат қилаётган деҳқонлар ишини хуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш янада кучайтириш борасидаги вазифаларни юзасидан қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра сўхбати қизиқарли баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтиб, қишлоқ меҳнаткашлари ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олишди.

Комил САХАТОВ,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот котиби

# Кун тартибидан муқобил энергия масаласи

## Дастур доирасида


Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Муқобил энергия ривожини — кучли ижтимоий ҳимоя омили» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши томонидан манфаатдор давлат идоралари ва партиянинг ижтимоий ҳамкорлари билан биргаликда энергия ресурсларини қишлоқларига риоя қилишда энг яхши натижаларни кўрсатган «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси» кўрик-танловини ташкил этишни янада ривожлантириш тўғрисида» вилоят партия Кенгаши матбуот котиби Б.Алиев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, жорий 2013 йилда Ўзбекистон «Адолат» СДП ўз фаолиятининг устувор вазифаси сифатида энергия тежамкорлиги ва муқобил энергетикани жорий этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга муҳим эътибор қаратмоқда. Унинг асосида қишлоқларда янги ижтимоий объект-

лар — қишлоқ врачлик пунктлари, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, шунингдек, болалар спортини, телекоммуникация ва почта алоқаси объектларини қуришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, энергияни тежайдиган инновацион тизимларни жорий этиш вазифаси белгиланиб, яна қатор масалаларни ҳал этиб бориш кўзда тутилган.

Шунингдек, партия томонидан Давлатимиз раҳбарининг «Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чуқур ўрганилиб, унинг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекэнерго» ДАК билан 2013 йил 1 мартдан 1 декабргача «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси» Республика кўрик-



танловини ўтказиш белгиланган. Тарғибот тадбирлари самарадорлигини ошириш мақсадида турли таркатма материаллар тайёрланган ва «Муқобил энергия ривожини — кучли ижтимоий ҳимоя омили» номли рисола чоп этилган.

— Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши қошида «Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш» бўйича комиссия тuzилган бўлиб, унинг тарқи-

бида кўзга кўринган олимлар ва мутахассислар фаолият юритмоқда, — деди Б.Алиев.

— Вилоят партия Кенгаши ва Фарғона политехника институти билан ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар, жумладан, партиямиз фаоли, техника фанлари доктори, профессор Анорхон Қосимовна раҳбарлигида иқтидорли ва изланувчан талаба-ёшлар билан янгидан-янги ихтиролар, инновацион гоёлар, янгиликлар устида изланиш-

лар олиб борилмоқда. Хусусан, ёруғлик нурида ишлайдиган юқори самарали фото-термоэлектрик энергия манбалари ҳамда қуёш энергияси асосида ишлайдиган сув иситкичларнинг амалда ишлатилиши таъминланмоқда. Ўз навбатида, ҳудудий партия ташкилотларимиз ва маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизнинг мазкур соҳадаги ҳамкорлиги кучайтирилмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳамда Фарғона ва Куvasой туман кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш масаласини сессия кун тартибига киритишга тайёргарлик кўраётганлиги бунинг далилидир.

Бундан ташқари, Фарғона шаҳар партия кенгаши ва БПТлар томонидан юқоридаги масала 2012 йил ва жорий йилнинг 6 ойи давомида 12 марта жойларда ўрганилиб, 16 та қуйи ташкилотларда тарғибот ишлари олиб борилди. 5 июнь кун Фарғона Саноат касб-хунар коллежида қуёш батареяси ўрнатилиб, унинг амалий таҳдими ўтказилди.

Халқ депутатлари Куvasой шаҳар кенгаши депутати Н.Алимов томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида «Муқобил энергия ва электр қуввати тежамкорлиги» масаласида ишлатилиши таъминланмоқда. Ўз навбатида, 8 мартда учрашувлар ва тарғибот ишлари олиб борилди. Қолаверса, депутат ўзи фаолият кўрсатаётган шифер заводидан 200 га яқин 100 ваттла лампаларнинг энергия тежамкор лампаларга алмаштирилишига бош-қош бўлди.

Эндиликда Н.Алимов халқ депутатлари Куvasой шаҳар кенгашининг навбатдаги сессиясига «Муқобил энергия манбаларини ривожлантириш» шiori остида ҳудуддаги «Қуёшча» ва «Олмахон» мактабгача таълим муассасаларига ҳомийлар кўмагида қуёш батареяларини ўрнатиш масаласини киритиш таклифини тайёрламоқда.

Шунингдек, тадбирда «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси» кўрик-танловининг, вилоят босқичи дастлабки якунларига кўра, муқобил энергия манбаларини ишлаб чиқариш ва фойдаланишни ривожлантиришнинг

тарғибот ишлари барча шаҳар ва туман партия кенгашларида ҳам талаб даражасида олиб борилмаётгани таъкидланиб, бу борада сусткашликларга йўл қўяётган партия ташкилотлари фаолиятини таъминлаш остига олинди. Уларга тегишли йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши раиси, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Н.Шодиев «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олишда партия ташкилотларининг иштирокини таъминлаш тўғрисида»ги ва «2013 йил биринчи ярим йиллик иш режа якунини кўриш ҳамда 2013 йил иккинчи ярим йиллик режасини тасдиқлаш ҳақида»ги масалаларга эътиборни қаратди.

Йиғилиш сўнггида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ёрқин ОХУНОВА,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилояти Кенгаши етказчи мутахассиси

# Qishloq Qurilish Bank

## инвестиция жараёнларида фаол ҳамкор



# Эл фаровонлигини кўзлаб

### Молия муассасаларида

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда молия муассасаларининг муносиб ўрни бор. Хусусан, иқтисодиёт тармоқларининг кредит ресурсларига бўлган талабини тўлақонли таъминлаш мақсадида банклар томонидан маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва экспортни рағбатлантиришга эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этиш мумкин.

Маҳаллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, техникавий ва технология янгилашга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсатни амалга ошириш, ишлаб чиқаришга замонавий хорижий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш орқали жаҳон ва ички бозорда рақобатбардош маҳсулотларни кўпайтириш, ички истеъмол бозорини замон талабларига тўла жавоб берувчи маҳаллий маҳсулотлар билан бойитиш, шунингдек, корхоналарнинг иқтисодий самарадорликка эришишини таъминлаш борасида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» тизимида ҳам бир қатор самарали лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Бундан ташқари, банкнинг инвестиция жараёнларидаги иштирокини кенгайтириш ва жадаллаштириш мақсадида, иқтисодиётнинг турли тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган махсус лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда.

Бу борада жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» филиаллари томонидан 86,1 млрд. сўмлик инвестиция кредитлари ажратилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 18,4 млрд. сўми санат соҳасига, 8,9 млрд. сўми

қишлоқ хўжалигига, 21,1 млрд. сўми транспорт ва коммуникация, 9,8 млрд. сўми қурилиш, 18,1 млрд. сўми моддий-техник таъминот ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасига ҳамда 9,8 млрд. сўми бошқа секторлар хиссага тўғри келади.

Иқтисодиётнинг турли соҳаларида кичик бизнес субликтларининг лойиҳаларини молиялаштиришга хорижий кредит линиялари ресурсларининг фаол жалб қилинаётгани айниқса аҳамиятлидир. Хусусан, банк томонидан Халқаро Тараққиёт Ассоциациясининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида жами 4,5 млн. АҚШ доллари миқдоридagi кредит линияси жалб этилган бўлиб, мазкур лойиҳа имтиёзли кредитлари асосан чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш, мева ва сабзавотларни сақлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга, қолаверса, қишлоқ хўжалиги корхоналарига мелиоратив хизматлар кўрсатиш мақсадларига йўналтирилди.

Мисол тариқасида, банкнинг Янгйер филиали мижози «Бунёдкор» МЧЖга Сирдарё вилоятидаги фермер хўжалиқларининг ҳосилдорлигини ошириш учун мелиоратив хизматларга бўлган талабини қондириш учун Корея давлатида ишлаб чиқарилган 2 дона HYUNDAI замонавий

эксковаторларини сотиб олишга 267,5 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит линия маблағлари ажратилди.

Шу билан бир қаторда, банкнинг Самарқанд вилояти минтақавий филиали мижози «Ургут Шарқ» МЧЖ ҳам вилоятнинг Ургут туманида мева-сабзавотларни сақлаш фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда маҳсулотларни сақлашга мўлжалланган турли ҳажмдаги пластмасса қутилари ишлаб чиқарувчи ускуналарни харид қилиш учун 200,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит маблағларидан баҳраманд бўлди. Натижада корхонанинг хизмат кўрсатиш унумдорлиги ошиб, туман аҳолисининг йил давомида мавсумий мева-сабзавотларга бўлган талаби қондириляпти.

Бундан ташқари, банк томонидан тўғридан-тўғри инвестициялар салмогини ошириш мақсадида хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислоом Корпорацияси билан республикаимиз хусусий сектор субъектларини қўллаб-қувватлаш учун жами 11,0 млн. АҚШ доллари қийматидаги молиялаштириш линияси жалб қилиниб, мазкур кредит линия шартларига мос келадиган хўжалик субъектларига замонавий техника ва технологияларни харид қилиш учун тўлиқ ўзлаштирилди.

Ушбу лойиҳа доирасида иқтисодиётимизнинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 9,1 млн. АҚШ доллари, қурилиш соҳасига 1,4 млн. АҚШ доллари, озиқ-овқат саноатига 0,2 млн. АҚШ доллари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасига 0,3 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар йўналтирилди. Молиялаштирилган лойиҳалар тўлиқ ишга тушгани ҳолда, 500 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилиши мўлжалланган.

Шунингдек, мамлакатимизда олиб бориллаётган кенг қамровдаги қурилиш ва ре-

конструкция ишларига қурилиш материалларини етказиб бериш мақсадида Тошкент шаҳар минтақавий филиали мижози «Низом Оптимал» масъулияти чекланган жамиятига Сурхондарё вилоятида шағал саралаш цехини бунёд этиш учун 320,2 минг АҚШ доллари миқдорида ва шу мақсадда Андижон минтақавий филиали мижози «Tsement Trans» МЧЖга Корея Республикасидан шағал саралаш ҳамда ювиш ускуналарни сотиб олиш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1 700,0 млн. сўм миқдорида ажратилган кредитлар аҳоли турмуши фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Қурилиш жараёнларида мижозларнинг замонавий махсус техникаларга бўлган талабини имконият даражасида қондириш мақсадида банкнинг Сарийосиё филиали мижози бўлган «Хуфар Зокир-шога Файз» фермер хўжалигига, Тошкент шаҳар минтақавий филиали мижози «Transcons Service» МЧЖга ҳамда Когон филиали мижози «Ilg'or Paxlavon Savdo» МЧЖга умумий ҳисобда 15 дона самосвал юк автомашиналари, 4 дона эксковатор, 2 дона тиркама ва 2 дона юк ортиш техникаларини харид қилиш учун жами 1 709,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги молиялаштириш линияси маблағлари йўналтирилди.

Банк томонидан мазкур йўналишлардаги фаолият янада изчиллик билан давом эттирилиб, 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга қаратилган инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга кредитлар ажратиш, бу борада банк тизимида жалб этилган хорижий кредит линиялари салмогини ошириш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалда ижроси таъминланиб келмоқда.

Банк матбуот хизмати

### Молия муассасаларида

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иш ўринларини яратиш, бир сўз билан айтганда, аҳоли фаровонлигини таъминлашда асосий тармоққа айлангани сир эмас. Дарҳақиқат, ушбу соҳа эндиликда иқтисодиётнинг асосий қон томирларидан бири ҳисобланади.

Тадбиркор ва ишбилармонларнинг банк-молия муассасалари томонидан ўз вақтида ва ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар тақлиф этган истиқболли лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилаётгани соҳанинг жадал ривожланишига, пировардида, юртимиз тараққиётига замин яратмоқда. Бинобарин, 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига «Агробанк»нинг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 21,4 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Ажратилган кредитларнинг 6,3 млрд. сўминини микрокредитлар ташкил этиб, ушбу маблағлар асосан халқ истеъмо моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Айтиш кераки, бугунги кунга келиб, банк филиаллари 1285 нафардан ортиқ тадбиркор аёлга хизмат кўрсатаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги» Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида соҳа ривожини учун 1,9 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

— Анча вақтдан буён «Агробанк» билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди «Софан» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Озода Пардаева. — Яқинда банкдан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олиш ва модернизация қилиш учун кредит сўраб мурожаат қилгандик. Банк томонидан бизга 200 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада, сифатли нон маҳ-

сулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, кўшимча 4 та янги иш ўринлари яратишга эришдик.

Таъкидлаш жоизки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга «Агробанк» ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Шу боис, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш ишлари фаоллашди. Айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш бўлиб, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга «Агробанк» ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Шу боис, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш ишлари фаоллашди. Айниқса, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш борасида кенг қўллаб-қувватлаш бўлиб, уларнинг ўз тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришга «Агробанк» ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Ушбу маблағлар асосан халқ истеъмо моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Айтиш кераки, бугунги кунга келиб, банк филиаллари 1285 нафардан ортиқ тадбиркор аёлга хизмат кўрсатаётир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги» Фармони ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида соҳа ривожини учун 1,9 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

— Анча вақтдан буён «Агробанк» билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди «Софан» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Озода Пардаева. — Яқинда банкдан нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини сотиб олиш ва модернизация қилиш учун кредит сўраб мурожаат қилгандик. Банк томонидан бизга 200 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада, сифатли нон маҳ-

билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий юқори унумли технология билан жиҳозланган қайта ишловчи мини корхоналарни барпо этиш, шу асосда аҳолини иш билан таъминлаш, уларнинг даромад ва яшаш тарзи сифатини ошириш мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг асосини ташкил қилади.

Президентимизнинг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳам шундай эзгу мақсадларни кўзда тутган бўлиб, унинг ижросини таъминлаш борасида вилоятда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусан, вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, паррандачилик, иссиқхона, гўшт ва сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, балиқчилик ва асаларчилик соҳалари ривожига йўналтирилган 329 та лойиҳага банк филиаллари томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида 8,2 млрд. сўм кредит ажратилди.

Шунингдек, вилоятда маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш учун банк томонидан 4 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

Яқинда вилоят ҳудудий филиали мижози «Файз-БШФ» хусусий фирмасига алюминий профилилардан эшик ва ромлар ишлаб чиқариш учун ажратилган кредит эвазига бугунги кунда фирмада 4 киши иш билан таъминланди. Фирмага кредит ҳисобидан алюминий профил ва аксессуарлар олиниб, ишлаб чиқариш ривожлантирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Агробанк» вилоят бошқармаси жамоаси юрт ободлиги ва эл фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларни кўзлаб фаолият олиб бормоқда. Бу эса ўзининг сезиларли самараларини беришига шубҳа йўқ.


Абдуғани СОДИҚОВ, «Adolat» мухбири

### Эътибор самараси

Бугун юртимизда ёшларнинг ўқиб-ўрганишлари, билим олиши, келажақда етук мутахассислар бўлиб етишиши учун барча шароитлар муҳайё қилинган.

Президентимиз раҳбарлигида юксак интеллектуал салоҳиятли ва маънавий етук авлодни тарбиялашга, таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада касб-хунар коллежлари замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари, энг сўнги русумдаги компьютер ускуналари ҳамда ишлаб чиқариш технологиялари билан таъминланди. Ана шундай шароитларда билим олган битирувчи ёшлар бугун вилоятимизнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга ўзларининг муносиб улушларини қўшиш истагини билдиришмоқда.

Янгиобод агроиқтисодиёт касб-хунар коллежи битирувчиси Достон Исмоилов ана шундай ёшлардан саналади. — «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Янгиобод туман филиалидан 12 миллион сўмлик имтиёзли кредитни олишим тадбиркорлик соҳасидаги илк қадамим бўлди, — дейди Достон Исмоилов. — Шу кредит



## Катта ҳаётга илк қадам

ҳисобига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очдим. Мен ёшларга, хусусан, коллеж битирувчиларига яратиб берилаётган ана шундай имтиёз ва имкониятлар учун барча тенгдошларим номидан Президентимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Келажақ биз ёшларга ишониб топширилар экан, Ўзбекистоннинг эртанги кунни, гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш барча-

мизнинг юксак бурчимиз, деб ҳисоблайман.

«Баландчакир иқболи» тўйхонасида ташкил этилган тадбирда ўқитувчилар, туман фаоллари, ота-оналар 219 нафар битирувчиларни катта ҳаётга кузатиб, уларга омад тиладилар.

М.ИСМОИЛОВ, Жиззах вилояти

## «Агромир» да

### Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти

Давом. Боши 1-бетда

Бу ерда бозор рақобати чуқур хис этилаётгани туфайли маҳсулот турини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, корхона яқинда жаҳонга таниқли «Тетра Пак» компаниясининг мева шарбатларини қадоқлаш ускуналари билан жиҳозлантирилган харидорлар сафини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— «Тетра Пак» билан ҳам-

корликда 1 миллион 700 минг евро қийматида кўшимча модернизациялаш корхонамизнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада оширди, — дейди «Агромир»нинг ижрочи директори Меҳрош Файзиев. — Бир йилда хорижий буюртмачиларга 8,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот етказиб беришга эришдик.

Дарвоқе, бугун «Агромир»да ички ва ташқи бозор талабларига бирдек жавоб бера оладиган 55 тур маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шу



туфайли корхона «Ўзбекистоннинг энг яхши маҳсулоти» танловида ғолиб топилгани ва махсус соврин билан тақдирлангани жамoa зиммасига алоҳида масъулият юкламоқда.

«Агромир» бу йилги мавсумда фермер хўжалиқларидан 40 минг тонна ҳосилни қабул қилиб, қайта ишлашни режалаштирган. Ҳозир корхона цехларига мева-сабзавот ташиб келтирилмоқда. Қайта ишланган маҳсулотнинг 50 фоиздан ортиги кичик ҳажмда қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Унумли меҳ-

нат туфайли корхонада доимий иш билан банд бўлган 480 нафар киши юқори маош билан таъминланган. Уларнинг аксарияти тумандаги касб-хунар коллежларининг янги битирувчилари эканлигини назарда тутсақ, «Агромир» қўшма корхонаси ёшларга таяниб, салмоқли натижаларни қўлга киритаётганини сезамиз.

Зоҳир ТУРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири

Суратларда: жамoa фаолиятидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар

# Жараён

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аҳолини ҳуқуқий адабиёт билан таъминлаш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## Китоб — билим манбаи

Бу борада Адлия вазирлиги хузурида ихтисослаштирилган «Адолат» нашриёти салмоқли хисса қўшмоқда.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарори нашриёт фаолиятини замонавий талаблар даражасида такомиллаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Ўтган йиллар мобайнида олти юздан зиёд номдаги 8 миллион нусхадан ортиқ ҳуқуқий адабиёт чоп этилди.

Хусусан, «Ўзбекистоннинг янги қонунлари» тўплами, Ўзбекистон Республикаси кодекслари, турли соҳаларга оид меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами кўп минг нусхадан ортиқ нусхадан чоп этилди. Қонун ҳужжатлари барчага тушунарли бўлиши учун уларнинг шарҳлари тайёрланмоқда. Ушбу жараёнда ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар ҳам жалб этилган.

Резной НИЗОВА

# «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасида

## Кўмита ййгилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ва Ишчи гуруҳининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини маромига етказишга бағишланган кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, мутасадди идора, ташкилотларнинг мутахассислари ва экспертлари, етакчи илмий тадқиқот, олий таълим муассасалари олимлари ҳамда атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга ихтисослашган ННТлар вакиллари иштирок этишди.

Таъкидланганидек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мувофиқ ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг 4 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди.

Кўйи палата «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик ўртасида муҳокамасини ўтказиш мақсадида лойиҳани «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўз навбатида Қонунчилик палатаси томонидан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитасига ушбу қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиш, умумлаштириш, экспертирани, мутахассисларни, олимларни ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилган ҳолда

ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил қилишни таъминлаш ва ушбу ойда мазкур қонун лойиҳасини маромига етказиш ҳамда уни Қонунчилик палатасига иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш топширилди.

Мажлисида сўзга чиққан кўмита аъзоси С.Жаббаров ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида соҳадаги халққаро тажриба ўрганилганлиги, унинг муҳокамасига бағишлаб юздан ортиқ тадбирлар, тўртта халққаро конференция ўтказилганлиги ҳамда биринчи ўқишга тайёрлаш жараёнида кенг жамоатчиликдан тушган 90 дан ортиқ таклифлар инобатга олинганлигини қайд этди. Шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Экоҳаракат депутатлик гуруҳлари аъзоларининг бир қатор таклифлари қонун лойиҳасида акс эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси томонидан экологик назоратни амалга ошириш соҳасидаги масъул ташкилотлар ҳамда фуқаролик



жамияти институтларининг ваколатларини тартибга солишга доир таклифлари инобатга олинди, уни қонун лойиҳасида алоҳида норма сифатида белгиланганлигини эътироф этди.

Шунингдек, тадбирда қонун лойиҳасида экологик назорат соҳасида тартибга солиш ва бошқариш, давлат органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик назорат соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизми ва таъминоти таъминлаштириш, инсоннинг экологик аҳборотдан фойдаланиш ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари асосий фаолият йўналишлари қаторида белгилаб берилганлиги, экологик назоратни амалга ошириш соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг ваколатлари тартибга солинганлиги, жамоатчилик экологик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш тар-

тиби, уни рўйга чиқариш шакллари ва усуллари белгилаб берилганлиги қайд этилди.

Мазкур қонуннинг қучга кириши нафақат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли турмуш фаровонлигининг ўсишига, Ўзбекистоннинг атроф-муҳит муҳофазасида, балки халққаро майдонда атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида ҳам нуфузи янада ошишига хизмат қилади. Бундан ташқари, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун жамоатчилик экологик назорати институти татбиқ этиш ва ривожлантириш ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир шахс масъул эканлигини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беради.

Мажлис якунида қонун лойиҳасидаги айрим нормаларни янада такомиллаштириш, таҳририй ўзгаришлар киритиш юзасидан иштирокчиларнинг, мутахассис ва экспертларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсиялари тингланди. Уни кенг жамоатчилик ўртасида янада кенг тарғиб қилиш, бу жараёнда сиёсий партиялар, маҳалла институти, «Камолот» ЕИҲ ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, пировардида кенг жамоатчиликнинг қонун лойиҳаси юзасидан фикр ва таклифларини умумлаштириш лозимлиги юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илём САХАТОВ, «Adolat» мухбири

## Сўранг, жавоб берамиз!

### Ипотека кредити нима?

— Ипотека кредитлари ҳақида маълумот берсангиз.  
Ибодулло МУНАВВАРОВ,  
Чиноз тумани.

Бугунги кунда ипотека кредити орқали уй-жой сотиб олиш кўпчиликни қизиқтирмакда, чунки Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги «Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 6 майдаги «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларидан сўнг ушбу соҳа жадал суръатларда ривожланмоқда.

Ипотека — грекча сўз бўлиб, гаров деган тушунчани англатади. Ипотека ва ипотека кредитлаш деганда биз кўчмас мол-мулкни гаровга қўйиб, кредит олишни тушунамиз. Ипотека — бу кўчмас мол-мулк гарови.

Юқорида қайд этилган қарорлардан келиб чиққан ҳолда уй-жой сотиб олиш учун кредит керакми, кўчмас мол-мулкнингизни гаровга қўйиб, ипотека кредити олинг. Банга кредитни қайтар олсангиз, гаров шартномаси бажарилган ҳисобланади ва уй-жой сизники, агар бажара олмасангиз, банк олдида қарздор бўлиб қоласиз, гаровга қўйилган кўчмас мулк эса сотилади, гаровга қўйилган кўчмас мол-мулкни сотишдан тушган сумма эса кредитдан фойдаланган фойзаларни ҳам қўшиб ҳисоблаб, банк олдида қарзингизни қоплашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 271-моддасига асосан, ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланган керак бўлган шартномага мувофиқ олинган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчмас мулкни ёки мол-мулкга бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқлангани шарт.

Ипотека тўғрисидаги шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик гаров тўғрисидаги шартноманинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради.

Саволга Ўртағирчиқ тумани ДНИ нотариуслари Зафар ТУРҒУНОВ, Машҳура ҲОШИМОВА жавоб берди.

### «Маъқул бўлмагани учун рад этдим»

— Корхонамизда ишлаб чиқариладиган товарларнинг сонини кўпайтиришди. Шу муносабат билан менга бошқа вазифани таклиф этишди. Лекин мен бу вазифада ишлашни ўзимга маъқул бўлмаганлиги сабабли рад этдим. Шу каби ҳолларда иш бевуқчи томонидан ишдан бўшатилиш нафақаси қанча муддатга берилади?

М.АЗИЗХОНОВ,  
Бекобод тумани

Агар ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни рад этса, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатилиш нафақаси тўланади. Ана шу асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олинса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотнома асосида унчи ой ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақини олиш ҳуқуқига эга.

— Амаким махфий васыятнома расмийлаштирилганини ва унда менга ҳам баъзи нарсаларни мерос қолдирганлигини айтишди. Айтинг-чи, амаким қолдираётган мерос ҳақида фақат ўзимга маълумот беришлари мумкинми? Бунда васыятноманинг махфийлиги йўқлодими?

Э.ШОКИРОВ,  
Олмалик шаҳри

Васыятнома ҳам бошқа нотариал ҳаракатлар сингари сир сақлаб, унинг ошқор этилиши тақиқланади. Кейинчалик васыят қилувчи томонидан васыятномага ўзгаришлар киритилиши ва бекор қилиниши ҳам мумкин. Лекин бу маълумотлар ҳам сир сақланиши лозим. Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан васыятномадан хабардор бўлиб қолган шахслар ҳам ошқор қилишга ҳақли эмаслар.

Васыят қилувчининг хоҳишига кўра, нотариус васыятномани унинг мазмуни билан танишмаган ҳолда тасдиқлаши мумкин. Бундай васыятнома махфий васыятнома дейилади. Махфий васыятнома васыят қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзилиб, уни шахсан имзолаши шарт. Бу васыятнома нотариус ҳамда 2 гувоҳ иштирокида конвертга солиб елимланади, конвертга гувоҳлар имзо қўйиб, ўз фамилияларини, исм-шарифларини ва доимий яшаш жойларини ёзиб қўядилар. Гувоҳлар томонидан имзоланган бу конверт гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа конвертга солиниб, елимланади.

Васыятнома тасдиқланган жараёнда васыят қилинаётган мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқи талаб қилинмайди. Юқоридаги ҳолатда васыят қилувчи ўз иродаси билан васыятномаси ҳақида қариндошига маълум қилган бўлса ҳам, васыятноманинг махфийлиги йўқолган, деб ҳисобланмайди.

Саволларга Тошкент вилоят адлия бошқармасининг маъсул ходимлари Зоҳиджон САРАБЕКОВ, Нодира ҲАКИМОВА жавоб берди.

### Ҳада шартномаси

— Айтинг-чи, қандай мол-мулк ҳада шартномасининг предмети бўла олади?

Садриддин Назаров,  
Бўка тумани.

Авалло, ҳада шартномаси нима деган саволга жавоб бериб ўтсак. Амалдаги қонун ҳужжатларида бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки унчинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талабини) беради ё бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки унчинчи шахс олдидаги мулкни мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ҳада нарсаи ҳада қилувчининг мулкни бўлиши керак, унинг эгаллигидан сақланиб туриши ҳамма шарт ҳисобланмайди. Ҳада шартномасининг предмети фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда объект бўлиб ҳисобланган ва фуқароларнинг эгаллигидан ашё бўлиши лозим. Ҳада шартномасининг нарсаи бўлиб фақат ҳада олувчиларнинг шахсий эҳтиёжини қондирадиган ашё бўлишига талаб қилинмайди, у ишлаб чиқариш қуроллари, мулк комплекслари (мажмуаси), олинмаган фойдалар (дивидендлар) ва ҳоказолар қурилишида бўлиши мумкин. Қонунчилигимизда қайд қилингандек, ер ва ер ости бойликлари ҳада шартномасининг предмети бўлиши мумкин эмас. Агар умрбод фойдаланишга олинган ер участкаси ҳада қилинган бўлса, бу шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ҳада шартномасида унинг предмети, нарсаи, номи аниқ бўлади.

1. Ҳада қилувчи ўзининг ашёга бўлган ҳуқуқини бу шартнома орқали ҳада олувчига ўтказиши, ашё тушунишига буюм, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулкларни қўрсатади бўлади.

2. Ҳада берувчи ўзига тегишли бўлиши мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқини ҳада олувчига ўтказиши. Бунда ҳада олувчида ҳада берувчининг эгаллигидан бўлган мулкни шартномага мувофиқ ўзига топширишни талаб қилиш ҳуқуқи ўтказилади.

3. Ҳада қилувчи ўзининг унчинчи шахслардан ашёни талаб қилишга бўлган ҳуқуқини ҳада олувчига ўтказиши. Масалан, қарз шартномасига мувофиқ қарз берган шахс қарздорнинг ўз қарзини қайтариб беришнинг талаб қилиш ҳуқуқини ҳада шартномаси орқали ҳада олувчига ўтказиши. Бунда ҳада қилувчи ўзига тегишли талаб қилиш ҳуқуқини ҳада олувчига ўтказиши.

4. Ҳада берувчи ўзининг қарздори бўлган шахсдан қарзни талаб қилишга бўлган ҳуқуқидан ҳада шартномаси орқали воз кечади ва аксинча, қарздори ўз қарзини қайтариш бурчидан озод қилади. Бунда унчинчи шахсларнинг ҳуқуқи бузилмаслиги лозим (Фуқаролик кодексининг 432-моддаси).

5. Ҳада қилувчи ҳада олувчининг унчинчи шахс олдидаги мажбуриятдан озод қилишни мақсад қилиб шартнома тузиши мумкин. Бунда ҳада қилувчи ҳада олувчининг мажбуриятини ўз зиммасига олиб бажариш орқали уни мажбуриятни бажаришдан озод қилади.

Саволга Тошкент вилояти адлия бошқармаси маъсул ходимлари Биродар РАҲИМОВ, Шаҳноза ЭСОНОВА жавоб берди.

# Уяли телефон —

## ёт гоёлар «уяси» ми?

### Божхона бекати

Ҳар кимнинг ўзи хоҳлаган динига эътиқод қилиш эркинлиги мамлакатимизнинг Бош Қомуси билан мустақамлаб қўйилган. Аммо, фуқароларга диний таъсир ўтказиш, уларни бир диндан чиқиб, бошқасига киришга ундаш, шу мақсадда турли диний мазмундаги адабиётларни тарқатиш ва бошқа хатти-ҳаракатларни амалга ошириш амалдаги қонунларга кўра мумкин эмас.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини мувофиқлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг 5-иловасига мувофиқ, давлат қурилишига қарши, худудий бирликни, давлат суверенитети ва сиёсий мустақиллигини бузишга йўналтирилган, урушни, террорни, диний қарама-қаршиликни, миллатчиликни тарғиб этишчи кўлбаслар ҳамда порнографик мазмундаги расмлар, фото, фотопленкалар, негативлар, кино, видео ва аудио маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш тақиқланган.

Яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат — «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида эса чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилгандан кейингина амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган.


Яъни, диний адабиётларни, олиб келиш, сотиш ва тарқатиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг руҳсати билан амалга оширилади. Бунда қўмита экспертлари бошқа

давлатлардан республикамизга олиб кириладиган диний мазмундаги медиа ва матбаа маҳсулотларини ўрганиб чиқиб, уларни республикамиз ҳудудига сотиш, тарқатиш ва намойиш қилиш юзасидан ҳал қилувчи ҳулосаларини беришади.

Акс ҳолда, экстремизм, сепаратизм ва ақидাপарастлик гоёлари билан йўрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Аммо, айрим шахсларни мазкур тартибларга риоя қилмай, турли диний мазмундаги материалларни қонуннинг равишида республикамизга олиб киришга ундаётган сабаб нимада? Диний билимларни эгаллашга бўлган қизиқишми ёки моддий манфаатдорлик?

Дарвоқе, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан ҳаётимизга кириб келиши ахборотнинг кенг қамровда қулай ва эркин ёйилишига хизмат қилмоқда. Аммо, танганнинг иккинчи томони бўлгани каби, ахборот технологиялари имкониятларидан «унумли» фойдаланаётган қонунбузарлар ҳам йўқ эмас. Мўъжазгина «флешка», қўл телефони



ёки дискка ўнлаб, юзлаб диний адабиётлар жо бўлиши инобатга олсак, сохта диндорларнинг диний адабиётларни қўл юклари орасига яширганча олиб кириб, таваққал қилишларига эндиликда ҳожат қолмаяпти!

Республикамиз божхоначилари томонидан эса диний адабиётларни турли йўللар билан қонуннинг олиб ўтилишига қарши мунтазам чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Урганч аэропортида Москвадан қайтган янмай, турли диний мазмундаги материалларни қонуннинг равишида республикамизга олиб киришга ундаётган сабаб нимада? Диний билимларни эгаллашга бўлган қизиқишми ёки моддий манфаатдорлик?

Сурхондарё вилояти божхоначилари томонидан ҳам шу турдаги бир неча қонунбузарлик ҳолатлари фож этилди. Р.Ниямуродов божхона баённомасида ва божхона инспекторининг оғзаки сўровида маълум қилмасдан туриб, қўл телефонининг хитира картасида 41 дон диний мазмундаги маърузаларни олиб киришга уринган фож қилинди.

Анджонлик божхоначилар томонидан аниқланган яна бир қонунбузарлик ҳолатида эса «Дустлик» божхона комплекси орқали юртимизга ки-

«Сариосиё» чегара божхона комплекси ходимлари томонидан эса қўл телефонига ёзилган диний мазмундаги 102 дон аудиоматериалларни ноқонуний тарзда олиб ўтишга уринган қўшни давлат фуқароси С.Ходжиевнинг қингир хатти-ҳаракатларига нукта қўйилди. Шунингдек, юртимиз орқали ўтаётган қўшни давлат фуқаролари Х.Иброғимов қўл телефони ва DVD дискларда 139 дон, Н.Гадоев эса 189 дон диний материалларни яширин йўллар билан олиб ўтишга уринишган пайтда тўхтатиб қолди.

Навоий халққаро аэропортида божхоначилар томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда бухоролик Б.Усмоновнинг қингир қилмишлари фож этилди. Қаранг-ки, ушбу қонунбузар нафақат 11 дон диний мазмундаги материалларни, балки 138 дон беҳаё видео тасвирларни ҳам нетбукига жамланган ҳолда олиб киришга уринган экан.

Анджонлик божхоначилар томонидан аниқланган яна бир қонунбузарлик ҳолатида эса «Дустлик» божхона комплекси орқали юртимизга ки-

Хусен ТАНГРИЕВ,  
Давлат божхона қўмитаси  
Матбуот хизмати  
катта инспектори

# Эркинлик! Адолатлилик! Бирдамлик!

## Партия фаолига кўмак

Социал-демократия — кўплаб мамлакатларнинг ишчи ва демократик ҳаракатларида таъсирли куч ҳисобланади. Ҳозирги вақтда дунёда 100 дан зиёд социал-демократик йўналишдаги партиялар мавжуд. Жаҳондаги радикал ўзгаришларга қарамай, бир асрдан ортиқроқ амалиётда социал-демократия мафкураси ўзининг ҳаётлиги ва ижтимоий самардорлигини кўрсатди. Кўплаб сиёсий мафкуралар тушкунликка тушиб, жамиятдаги нуфузини буткул йўқотган пайтларда социал-демократия мафкураси ўз таъсирини кучайтирди. Социал-демократик мафкура гарчи сўл мафкура сифатида туғилган бўлса-да, бугунги кунда марказчи кучларнинг сиёсий доктринаси ҳисобланади. Унинг назарияси ортодоксал хусусиятга эга бўлмагани сабабли ижтимоий шароитга қараб мослашишига, ўзгаришига имкон берди.



Германия социал-демократлари — Европадаги энг фаол сиёсий кучлардан бири

Социал-демократия турли йўналишдаги сиёсий фикрлар эришган ютуқларни ўзида жамлаб, аҳолининг кенг қатламлари манфаатларини ифодаловчи гоани ярата олди. Ишчилардан тортиб, зиёлилар ва тадбиркорлар манфаатларини ифода этишга эришди. Натижада одамларнинг социал-демократия гояларига қизиқиши ортди.

Гоаявий, ташкилий, сиёсий жиҳатдан социал-демократик партиялар ўқшаш бўлса-да, жўғрофий жиҳатдан, давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-иқтисодий тараққиётининг турли босқичларида турганлиги ва ўзига хослиги билан бир-бирларидан фарқланадилар.

Албатта, социал-демократик ҳаракатлар таянадиган озодлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик каби ягона қадриятлар мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Фақат уларнинг ўзаро уйғунлиги замонавий жамиятда социал-демократиянинг ўзига хослиги борасида мулоҳаза юритиш имконини вужудга келтиради. Бу нималарда намоён бўлади? Биринчидан, уларнинг гоаявий умумийлиги — демократик социализмга йўналганлиги. Иккинчидан, маҳаллий касба уюмлари ҳаракатлари, жисмоний ва ақлий меҳнат билан машғул ёлланма ишчиларнинг турли тоифалари билан мустаҳкам алоқалари. Учинчидан, турли муаммоларни ечишда сиёсий келишувга эришиш принципининг мавжудлиги. Тўртинчидан, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланганлиги концепциясига содиқлиги. Таъкидлаш керакики, бу йўл ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимида доимо устувор аҳамиятга эга бўлиб келган.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, социал-демократик модель — содда тушунча. Социал-демократик партияларнинг сиёсати ва унинг кучи қандайдир мавҳум намунага эмас, балки муайян давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётининг ўзига хослигига йўналтирилганлигидир. Социал-демократ аъзо партияларнинг ҳар бири фаолиятида мустақил бўлиб, фақат ўз аъзолари ва сайловчилари олдига жавоб беради. Бу эса Социал-демократ ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлигини таъминлайди. Эркинлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик таянадиган «демократик социализм» концепциясига келадиган бўлса, социал-демократлар социалистик макссадини коммунистларга ўқшаб иқтисодий детерминизм позициясидан эмас, аксинча, ҳар қандай назарияга чеklangанлик, яъни ҳар қандай назария реал шароитлардан келиб чиққан ҳолда доимий ўзгаришларга муҳтож деган қабилдаги нуқта назардан ёндошилади. Айнан шунинг учун ҳам дунё социал-демократлари жаҳоннинг турли мамлакатларида кўплаб тарафдорларига эга

реал сиёсий куч ҳисобланадилар.

Социал-демократик ҳаракат бир асрдан кўпроқ вақт олдин Фарбий Европада туғилиб, XIX аср охирига келиб ташкилий жиҳатдан уюшди. Социал-демократиянинг пайдо бўлишига XIX асрнинг иккинчи ярмида Фарбий Европа давлатларининг кучли sanoat тараққиётини ёлланма ишчилар сифатининг кенгайиши туртки берди. Зарурият ишчилар олдига ўз ҳуқуқларини касба уюмлари ва парламентда уларнинг ҳуқуқлари учун курашиши мумкин бўлган сиёсий партиялар орқали ҳал қилиш вазифасини юклди. Бундай турдаги партияларни ташкил этиш ташаббусини касба уюмлари ўз зиммаларига олишди. Улар партияларга оммавий равишда аъзо бўлиш йўлини танлашди. Шу асосда ўзига хос лейбористик модель — касба

партиялар фаолият кўрсатаётди.

Германияда ишчилар манфаатларини ифодаловчи партиялар Англиядагидан кўра олдинроқ 1863 йилда пайдо бўлди. Бу ерда ҳам касба уюмлари ва партия раҳбариятининг жиқслигини кузатиш мумкин эди, бироқ ҳар бир томон ўзининг мустақиллигини сақлаб қолди. Бундай модель Европа социал-демократик партияларида, энг аввало, шимолий мамлакатларда, айниқса, Скандинавияда кенг тарқалган. Ушбу партиялар ўзларини социал-демократик деб атайдилар, баъзида масалан, Швецияда кимнинг манфаатини ҳимоя қилаётганини таъкидлаш учун «ишчи» сўзини қўшиб қўйишди.

Социал-демократик йўналишдаги қатор партиялар ўзларини демократик социал-

социалистлар деб аташади) ўртасида тортишув бор.

Лотин Америкасидаги социал-демократик йўналишдаги партиялар ҳам бирмунча фаоллашган. Бунинг объектив сабаблари бор, албатта. Биринчидан, ҳарбий-репрессив бошқарувининг кулаши (1970-80 й.) ва сиёсий демократияни ўзлаштиришга ўтилиши. Иккинчидан, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлланма ишчилар сонининг кўпайишига олиб келган кескин иқтисодий ўсишнинг кузатилгани. Аммо Лотин Америкаси социал-демократлари Европадаги бундай партиялардан ҳам назарий, ҳам номланиши жиҳатидан фарқ қилади. Партиялар номланишида миллий-озодлик ҳаракатлари даврида ҳукмрон бўлган кайфият мавжуд. Масалан, Боливия сўл инқилобий ҳаракати, Доминикана инқилобий партияси, Радикал партия ва ҳоказо.

Осиё китъасида социал-демократия фақат Японияда мустаҳкам қанот қоқди. Бу ерда социал-демократик йўналишдаги иккита партия — Япония Социалистик партияси (1945 йилда ташкил топган) ва Демократик социализм партияси (1960 йилда тузилган, етакчи муҳолиф партия) фаолият кўрсатади. Бундан 2-3 йил муқаддам қиска муддат ҳокимият тепасига келиб-кетган бўлсаларда, уларнинг давлат ҳаётига кўрсатадиган таъсири кучли.

Ҳиндистон, Индонезия, шунингдек, мусулмон давлатлари Социал-демократик партияси ҳали давлатлар ҳисобланади. Яқин ва Урта Шарқнинг фақат айрим мамлакатлари (Исроил, Ливан, Миср, Туркия)да социал-демократик партиялар бирмунча фаоллашди. Социал-демократик йўналишдаги йўналишда Покистон ва Непал социал-демократик партиялари маслаҳатчи аъзолар сифатида ташкилотга қабул қилинди. Бугунги кун ҳақиқати шуни таъкидламоқдаки, янги кўринишдаги демократия сиёсий ва мафкуравий йўналишлардан бирини танлаш, социал-демократларнинг таърибларига назар ташлаш имкониятини қўлга киритмоқда. Демак, қадимий социал-демократик аъзоларга ва социал-демократик хилма-хилликларга эга бўлган партиялар ҳақида айна пайтда гапириш ўринли бўлса керак. Буни Африкадаги Сенегал, Маврикий ва Буркина-Фасо давлатларида фаолият юритувчи социал-демократик йўналишдаги учта партия мисолида кўриладиган яққол кўзга ташланади. Гап шундаки, Африка кўп йиллар давомида маҳаллий шароитларга мутлақо мос келмайдиган турли-туман мафкуравий моделларнинг ўзига хос полигоми вазифасини ўтаган.

Социал-демократларнинг АҚШ ҳудудида кенг тарқалмаганлиги эътиборга молик. Америка Қўшма Штатларида Демократик социалистларнинг

республика халқ партияси ва АҚШ социал-демократлари номли Социал-демократ кирувчи иккита партия мавжуд. Бунга сабаб тарихида шуни таъкидлаш мумкинки, Америкадаги ёлланма ишчилар океан ортидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ниятида келган ҳаракатчан одамлар билан мунтазам тўлдирилиб келинган. Америка жамоатчилигининг индивидуализмга асосланган бундай умумий ёндашуви социалистик қайта қуриш билан боғлиқ жамоатчилик гоаялигига, жамоавий муҳитни шакллантиришга салбий таъсир ўтказди. Ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб эса америкалик ишчилар социалистик таъриба Россияда (инқилобдан кейинги дастлабки йилларда АҚШнинг кўплаб ишчилари ва муҳандислари Россияга ёрдан бериш учун етиб келганда) қандай оқибатлар келтириб чиқарганини ўз кўзлари билан кўришди ва натижада хатто социал-демократик талқиндаги социализм гоаяли омма ўртасида кўлаб-қувватланмади. Ҳозирда АҚШдаги социал-демократик гуруҳлар сўл қарашларга мойил бўлган зиёлилар орасида қолган, холос. Шарқий Европа мамлакатларида социал-демократлар ҳокимият тепасига кела олмаган. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бу мамлакатларда социал-демократик партиялар фаолияти ё таъкидланган, ёки бошқа партияларга қўшиб юборилган. Шарқий Европа давлатларида ўтган асрнинг сўнгги йилларида бўлиб ўтган жараёнлар, хусусан, кўппартиявийлик тизимини яратиш социал-демократиянинг вужудга келишига замин ҳозирлади. Ўтган асрнинг 90-йилларида Монголияда социал-демократик партиянинг тузилиши эса қутулмаган ҳодиса бўлди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам социал-демократик партияларнинг ташкил этилиши давом этмоқда. Кўппартиявийлик тизимида социал-демократлар ўз ўрнига эга ва сиёсий-иқтимоий ҳаётга сезиларли таъсир ўтказмоқда.


Кўриниб турибдики, бир асрдан ортиқ вақт давомида социал-демократия мисли кўрилмаган даражада ҳаётлиликни намойиш эта олди. Бундан ташқари, унинг гоаяли, сиёсий таърибаси янги кучларни ўзига жалб этишда давом этмоқда. Меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилишга бел боғлаган социал-демократлар ўз амалиётида даставвал соғлом фикрлашни дастур-уламал қилиб олганлиги ва ўз фаолиятининг асоси бўлган назарий қондаларга кези келганда ўзгартиришлар киришга ҳам ботина олаётганини муваффақиятларнинг асосий сабаби бўлмоқда.

Социал-демократларнинг АҚШ ҳудудида кенг тарқалмаганлиги эътиборга молик. Америка Қўшма Штатларида Демократик социалистларнинг

## Нефтьга талаб кучаймоқда

Биринчи ярим йиллик ҳисоб-китобларига қараганда, Россия нефть қазиб чиқаришни суткасига 10,53 миллион баррелга етказиб, 1988 йилдан бери рекорд натижа бўлиб келадиган кўрсаткичини янгилади. Шундай қилиб, Россия Федерацияси суткасига 9,47 миллион баррел нефть қазиб чиқараётган Саудия Арабистонини орта қолдирди.

Рекордни янгилаш учун асосий восита бўлиб хизмат қилган бир неча омилларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Масалан, «Роснефть» Краснояр ўлкасида жойлашган Ванкор конидан нефть қазиб олишни қўлайтиришга эришди. Бундан ташқари, «Газпром» ҳам нефть қазиб олиш суръатларини олдинги йилларга солиштирганда янада кучайтирди.



Ўтган йили Россияда суткасига жами 10,37 миллион баррел нефть қазиб олинган. Бу кўрсаткич 1996 йилда 6,06 миллион баррелни ташкил этган бўлса, 90-йилларнинг ўрталаридан ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортган, аммо 2000 йиллар ўрталаридан бошлаб ўсиш жиддий равишда сусая борган. Нефть худди газ сингари ушбу давлатнинг асосий экспорт товари бўлгани боис, уни ишлаб чиқаришга бўлган эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилади ва натижада Россия дунёнинг биринчи рақамли нефть экспортёрига айланади.

## Сайёрамиздаги энг катта қўриқхона

Германиянинг Бремерхафене шаҳрида Антарктикада денгиз жониворларини сақлаш Комиссиясининг маҳсус илмий йиғилиши ўз ишини бошлади. Антарктика соҳилларида сайёрамизнинг энг катта денгиз қўриқхонасини яратиш масаласини ҳал қилиш маҳсус йиғилишининг бош мақсади эътиб белгиланди.




Аниқроқ айтганда, гап 2,3 миллион квадрат километр майдонни эгаллаган Росса денгизи устида бормоқда. Бу денгизнинг экотизими дунё океанларининг хали ифлосланмаган худудларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, Антарктида соҳилларидаги 1,63 миллион квадрат километр майдонни эгаллаган баъзи жойларни ҳимоя остига олиш ҳам маҳсус йиғилиш кун тартибига қўйилган. Бу ерларда тирик организмларнинг, хусусан, пингвинлар, китлар ва касаткаларнинг 10 миңдан ортиқ улкан колониялари яшайди. Антарктида китъасини ўраб турган сув ҳавзаси бугунги кунда шартли равишда Жанубий океан деб юритилмоқда. 2000 йилда Халқаро гидрография ташкилоти Жанубий океанини расман тан олиш бўйича овоз бериш жараёнларини ўтказди ва жанубий кенглигининг 60 параллелидан жануброқда жойлашган сув ҳавзалари, яъни қўриқхона ташкил қилиниши режалаштирилган кенгликлар унинг чегараси сифатида тан олинди.

## SIM-карта орқали телефонга ҳужум

Ахборот хавфсизлиги бўйича немис мутахассиси Карстен Нол SIM-карталарнинг мобил телефонларига ноқонуний сўқулиб кириш имконини берувчи оғир томони ҳам борлигини кашф қилди.

Телефонга маҳсус SMS хабарлар жўнатиш орқали киши онги илғамайдиган ҳужум амалга оширилади. Абонент бу хабарни оператордан келган шунчаки оддий бир SMS хабар сифатида қабул қилиб олади, аммо аслида у ўзи билмаган ҳолда хакерга телефонини очиб беради. Бирининг телефонига киришни удаллаган жонивор энди телефондаги сўзлашувларни бемалол эшитиши, ёзишмалардан хабардор бўлиши ва телефон ҳисобидаги пул маблағларини манипуляция қилиши мумкин. Карстен Нолнинг фикрича, бундай заифлик DES шифрлаш алгоритмида мужасамлашган бўлиб, у 1970 йилларнинг иккинчи ярмида ишлаб чиқилган ва 56 бит узунликдаги калитдан фойдаланишга назарда тутилди. DES шифрлаш алгоритмининг ўрнига бугунги кунда 256 битгача узунликдаги калитга эга бўлган анча замонавий алгоритмлар қўлланилмоқда, аммо DESнинг эскирганига қарамадан баъзи SIM-карталарда ҳанузгача ундан фойдаланилмоқда. Экспертнинг ҳисоб-китобларига қараганда, DES ёки унинг вариациялари ҳозирги вақтда муомалада бўлган тахминан уч миллиард SIM-карталарда фойдаланилмоқда. Шулардан заиф деб топилганлари қарийб 750 миллионни ташкил этади.



## Дельфинларнинг ўз исми бор

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, ҳар бир дельфиннинг ўз қақирлиш товуши бор ва бу товуш дельфинларнинг ўзаро муносабатларида «ташриф карточкаси» ёки исм вазифасини ўтайди.

Ўзига хос хуштак ёрдамида дельфинлар бир-бирларини қақирлади ва ўз исмларини, яъни шахсий товушларини эшитганда, унга жавоб қайтаради. Биологлар дельфинларнинг худди одамлар сингари бир-бирини қақирлашда исмини айтиб индивидуал хуштак чалиши хусусида авваллар ҳам турли фикрлар билдиришган. Бироқ бу фикрлар шу чоққача аниқ тўхта эмас, балки шунчаки мулоҳазалар тарзида талқин қилинган. Сўнгги тадқиқотлар натижаларига кўра, бундай ўзига хос қақирлар битта дельфин томонидан таралганда галадаги бошқа дельфинлар уни такрорлайди ва эслаб қолади, яъни дельфин ўз исмини айтади, бошқалар уни эслаб қолиш учун такрорлайди. Сўнгра дельфинлар ўша дельфинни қақирганларида айнан шу товушни чиқаради. Шотландиядаги Сент-Эндрю университетини олимлари дельфинларнинг худди одамлар каби ўз исмига эга бўлишини дунёда биринчи бўлиб расман таъкидлашди. Мутахассислар дельфинларнинг товушини маҳсус сувости қурилмалари ёрдамида ёзиб олишда ҳамда бу товушларни уларнинг ўзларига қайтадан эшиттириб қуриши ва хулосалар ўз тасдигини топди. «Биз галадаги ҳар бир дельфиннинг хуштакини ёзиб олдик ва уларга ўз репертуаридан ташқари бутунлай бошқа товушларни ҳам эшиттириб қўрдик, — дейди университет ходими доктор Яник. — Натижалар шуни кўрсатдики, дельфинлар фақат ўзларининг товушигагина жавоб қайтаришди ва нотаниш товушларга (исмларга) эса қайрилиб ҳам қарашмади».



2013 йил —  
Обод турмуш йили

Майсара эрталаб кадрдон коллежи томон қишлоқнинг обод, кенг кўчаларидан борар экан, атрофга қувонч билан боқди. Дарҳақиқат, Боғот тумани қишлоқлари ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларидан кейин янада чирой очди.

## Фаоллик фаолият асоси

Коллеж атрофи ҳам гулзор, мевали, манзарали дарахтлар билан фусункор кўриниш касб этган.

Майсара Худойберганава — Боғот иқтисодий коллежининг география фани ўқитувчиси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси бошланғич ташкилотининг раиси. Бугунги кунда ўқув муассасасида ушбу партия аъзоларининг сони 47 нафарга етди.

Майсара БПТ раиси сифатида, айниқса, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросининг ўз жамоасида ишчил, аниқ бажарилишига эришиш учун ҳаракат қилмоқда.

— Партия аъзолари доимо ҳар ишда фаол, ташаббускор бўлиши керак, — дея касбдошларини эзгу ишларга йўллайди у.

М.Худойберганава вилоят миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этади. Жумладан, у 2012 йил ноябрь ойида ўтказилган «Йил аёли» миллий танловининг вилоят босқичида ўзининг истеъдоди, билим ва маҳоратини намойиш этиб, «Энг фаол аёл» номинацияси голиби сертификатини кўлга киритди. «Адолат» СДП томонидан ташкил этилган «Оқила аёл — мустақам оила яратувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида эса, «Энг фаол ва ташаббускор аёл» номинацияси бўйича II даражали диплом билан тақдирланди.

Ҳа, кейинги пайтда Хоразм вилояти партия ташкилотларида Майсара Худойберганава сингари фаол хотин-қизлар сафи кенгаймоқда. Уларнинг аксарияти жойларда бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилишмоқда. Жонкуяр аёллар нафақат ўзлари фаолият юритаётган меҳнат жамоаларида, балки маҳаллаларда ҳам соғлом турмуш тарзи, гиёҳвандликка қарши кураш, эрта турмушга чиқилишнинг олдини олиш ва «Ораста қизлар» клубларининг фаолиятини янада яхшилашга амалий хисса қўшишмоқда.

С.РАҲИМБЕРГАНОВА

### Кўрик-танлов

Инсон кадр-қимматини улуғлаш, бир-бирига меҳр-мурувват кўрсатиш азалдан халқимизга хос улуғ фазилатлардан саналади. Қувонарлиси, истиқлолнинг илк йиллариданоқ бу давлатимизнинг асосий тамойилларидан бирига айланди.

## Ранглар жилосида Ватан мадҳи

Яқинда Жиззах шаҳар 1-сон болалар мусика ва санъат мактабидан Ўзбекистон ногиронлар жамияти Жиззах вилояти бўлими, «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши ҳамда барча сиёсий партиялар ташаббуси билан «Мафтунокор ранглар жилоси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ёш мўйқалам соҳиби Шаҳноза Эргашеванинг яратган асарлари, айниқса, кўпчилида қизиқиш уйғотди.

— Юртимизда бизлар учун яратиб берилган шароитлардан мамнунмиз, — дейди Шаҳноза Эргашева. — Берилган имтиёз ва кўрсатилган ҳаммуҳолиқлар кўлами йилдан-йилга ортиб бораёпти. Бугунги кўрик-танлов ҳам бунинг исботидир.

Мазкур кўрик-танловда шаҳар ва туманлардан голиб деб топилган 60 нафарга яқин ёш рассом-

лар, гарчи жисмоний имкониятлари чекланган бўлишига қарама-дан, юксак дид ва қобилият эгаси эканликларини намойиш этишди. Уларнинг ижод маҳсулларида Ватанга муҳаббат ва келажакка ишонч акс этди. Кўрик-танлов якунига кўра, 1-ўрин пахтакорлик Шаҳноза Эргашевага, 2-ўрин форишлик Ирода Сарабековага ва 3-ўрин жиззахлик Мухлиса Саидовага насиб этди. Голиблар кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олишди.

Танлов якунида ижтимоий Ҳимояга муҳтож ижодкор болаларга ногиронлар аравачиси ва махсус мосланган стуллар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ.  
Жиззах вилояти

**«12-АВТОБУС САРОЙИ»**  
очиқ акциядорлик жамияти  
«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилади.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц» автобуси ҳайдовчилари учун 800-850 минг сўм.  
Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобуси ҳайдовчилари учун 650-700 минг сўм.  
Чипта сотувчилар учун ўртача ойлик иш ҳақи 250-300 минг сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Спутник 12-М.

Телефонлар: 258-37-47, 215-27-52.



## ЎЗМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

# «Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:

миллий валютада	хорижий валютада
«ФАРОВОН ТУРМУШ»	«ИШОНЧЛИ» (АҚШ долларида)
Омонатнинг сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади	Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз: - солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод! - маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади! - эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда! - миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизни сақлашни ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

## Ёшлар тадбиркорлигига кўмак

Бугунги кунда «Микрокредитбанк» меҳнат бозорига кириб келаётган ёшлар, жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида самарали фаолият олиб бормоқда. Зеро, жорий йилда ўтказилган аъновий «BankExpo-2013» кўргазмасида «Микрокредитбанк» фаол иштирок этиб, тадбир доирасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, «Тавлим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк», дея эътироф этилганлиги бунинг яққол далилидир.

Маълумки, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик-тижорат банки томонидан ҳар йили Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Республика Савдо-санаят палатаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» каби кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда.

Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёш тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни имтиёзли микрокредит билан таъминлашга кўмаклашишга қаратилган мазкур лойиҳаларнинг шу кунларда вилоят босқичлари бўлиб ўтмоқда.

Хусусан, яқинда пойтахтимизда «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» кўрик-танловларининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларнинг бу соҳада ўз салоҳиятини тўла рўёбга чиқариши учун яқиндан кўмакла-

шиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-санаят палатаси, «Микрокредитбанк» ва бошқа ташкилотлар ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловларда 60 нафар ёш тадбиркор ўз бизнес-режаси, таклиф ва лойиҳалари билан иштирок этди.

— Танловда болалар кийимларини замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси билан қатнашдим, — дейди Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи битирувчиси Гулбахор Рухидинова. — Лойиҳам маъқулланганидан хурсандман. Унинг амалга оширилиши янгича даяндаги болалар кийими тайёрлаш, ўттиз нафар паркентлик тенгдошларимни иш билан доимий таъминлаш имконини беради. Танловнинг вилоят босқичи якунларига кўра, етти нафар ёш тадбиркор республика босқичига йўлланма олди. Тадбирда истиқболли лойиҳалар эгаларига имтиёзли кредитлар олиш учун сертификатлар топширилди.

Шунингдек, Термиз шаҳри-



MIKROKREDITBANK

да мазкур лойиҳалар танловнинг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида сараланган 18-30 ёшли етмишга яқин ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари ва маҳаллалар ёшлари ўз бизнес-лоийҳалари билан иштирок этди.

Танлов якунида энг намунали етти таълим-ғоя танлаб олинди, уларнинг муаллифларига республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилди.

— Жорий йилда Кумкўрган агросанаят касб-хунар коллежини тугатдим, — дейди Навбахор маҳалласида истиқомат қилаётган Маҳбуба Холсаидова. — Қишлоғимизда етиштирилмаган меваларни замонавий технология асосида қуриштириб, арзон нархларда савдога чиқариш менда катта қизиқиш уйғотди. Ушбу гоёни Бухоро шаҳрида ишлаб чиқарилаётган ана шундай кичик технология ёрдамида амалга ошириш учун 12 миллион сўмлик бизнес-режа тайёрладим. Ушбу лойиҳа танловда қўллаб-қувватланганидан хурсандман.

Бир сўз билан айтганда, республикамизнинг энг чеكка худудларини қам қамраб олаётган мазкур лойиҳанинг худудий босқичлари қизғин ва самарали кечмоқда.

Сухроб ҲАЙИТОВ

### Фаолият

Кундалик турмушимизни транспорт воситаларисиз тасаввур этиш мушкул. Айниқса, пойтахт аҳли ва меҳмонлар оқимини эътиборга оладиган бўлсак, йўловчи ташиш транспорти хизмати ходимларининг масъулияти ва меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.

## Йўлингиз беҳатар бўлсин!

Бу борада «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмасининг «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилаётган йўналишлар, кўрсатилаётган хизматлар эътиборга лойиқ. Ҳозирда «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси «Шаҳар йўловчилар транспортини тартибга солиш тўғрисида», «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида», «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонунлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида фаолият юритиб келмоқда.

— Жумладан, компания тизимидagi «18-Автобус саройи» ОАЖ томонидан ҳам аҳолининг шаҳар йўловчи транспортга бўлган эҳтиёжини қондириш баробарида йўл ҳаракати хавфсизлигини қондаларига қатъий риоя этиб, йўналишлар бир маромда ишончли ҳаракатланиши таъминланмоқда, — дейди жамият бошқаруви раиси Комил Қодиров. — Корхона айна пайтда 18 та шаҳар ва 1 та шаҳар атрофи йўналишларида 169 та (82 та «Мерседес-Бенц», 75 та «Исузу», 9 та «Хюндай», 3 та «Юверланд») тижорат транспортлари орқали пой-

тахт аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқда.

Аҳолига намунали хизмат кўрсатиш борасида жамият томонидан йўналишда бўлган барча авто-транспорт воситалари доимий мониторинг қилиб борилади. Аниқланган қоидабузарликлар, камчиликлар, йўловчилардан келтирилган эътирозлар ёки таклиф-мулоҳазалар асосида тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда. Бундан ташқари, янги ишга қабул қилинган ҳайдовчилар малакали ҳайдовчиларга бириктирилиб, уларга касб сир-асрорлари ўргатилаётди. Ҳайдовчилар етарли билим ва кўникмага эга бўлгандан кейингина уларга мустақил равишда ишлашга рухсат этилади. Албатта, бунда ҳам биринчи галда йўловчилар хавфсизлиги инobatга олинади.

Ҳозирда корхонада жами 524 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилиб келмоқда. Улардан 278 нафари ҳайдовчилар, 99 нафари чиптачилар ҳамда 51 нафари таъмирчилар ташкил этади. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва қўлайликлар яратиш мақсадида корхона балансидаги бекатлар доимо замонавий талабларга мос равишда таъмирланиб турилибди.

Давур ЖОЗИЛОВ

**«18-АВТОБУС САРОЙИ»**  
очиқ акциядорлик жамияти  
«D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни ишга қабул қилинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи «Мерседес-Бенц», «Хундай» автобуси ҳайдовчилари учун 900-1 млн.200 минг сўм.  
Ўртача ойлик иш ҳақи «Исузу» автобуси ҳайдовчилари учун 600-900 минг сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта ҳалқа йўли, 8а-уй.

Телефонлар: 247-03-36, 247-03-48.

**ADOLAT**  
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Ташкил ҳақиқати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошўлат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифининг бажарувчиси: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Аxbорот, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Маълумот ва маданият бўлими 288-46-64 (151); Кабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибят — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — А.ЙЎЛДОШЕВ. Навбатчи — Ф.ЖУРАЕВ

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлагани  
Таҳририят маъноси: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolat.uz  
adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлигини томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2013-5217

«Шарқ» НМАК Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буяртта Г — 700. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адали — 9100. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.00

1 2 4 5